БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

174 (1694) | 2 сентябрь, 1960 йил, жума | Баҳоси 20 тийин.

МАШИНАДА ПАХТА ТЕРИШ ПЛАНИНИ СЎЗСИЗ БАЖАРАЙЛИК!

РЕСПУБЛИКА МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ



Республика механизаторлари II съездида Тошкент областидан делегат бўлиб қатнашган механизаторлардан бир группаси танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) Оққўрғон районидаги «Оқ қўрғон» совхозидан И. Иброҳимов, Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозидан Т. Эргашев, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозидан Э. Абдиқодиров, Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозидан Э. Қўзибоев, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг аъзоси М. Ковалева ўртоқлар. Улар бу йилги мавсумда 150-300 тоннагача пахта териш мажбуриятини олганлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Жанговар ишлар арафасида Ўзбекистон қишлоқ механизаторлари шонли армиясининг вакиллари фикр алмашиш, йиғим-терим ишларини қандай қилиб яхшироқ ташкил этишни биргаликда ўйлашиб кўриш учун 31 августда Тошкентда ўзларининг иккинчи республика съездига тўпландилар. Навоий номидаги опера ва балет театри залига пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларидан бир мингдан ортиқ киши йиғилди. Улар билан бирга бу ерга партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, олимлар, колхоз ва совхозларни энг янги техника билан таъминлаётган машинасозлик корхоналарининг инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторлари ҳам келдилар. Делегатлар орасида хотин-қизларнинг кўплиги ҳозирги даврнинг ажойиб хусусиятидир.

Съездни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов очади. КПСС XXI съезди нинг тарихий қарорларидан руҳланган совет халқи, дейди у, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм қурилишнинг улуғвор планларини амалга оширмоқда.

Совет халқларининг дўстона қардошлик оиласида Ўзбекистон механизаторлари ҳам етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами туфайли Ўзбекистон пахтакорлари фидокорона меҳнат қилиб ва об-ҳавонинг ноқулай келиши натижасида рўй берган қийинчиликларни бартараф қилиб, бу йил давлатга 3 миллион 170 минг тонна пахта сотиш ҳақида олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган миқдорда ҳосил етиштирдилар.

Бу йил пахта далаларида кўп минглаб комплекс механизациялашган бригадалар муваффақиятли ишламоқда. Чигитни режа сими тортиб экиш плани ошириб бажарилди, ҳамма экининг қарийб 90 проценти механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишланди. Бу эса миллионлаб киши-кунини, кўп уруғлик чигитни тежаш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини анча камайтириш имконини берди.

Пахта териш машиналаридан моҳирлик билан фойдаланиш бизга ҳосилни тезроқ териб олишга, теримда меҳнат унумдорлигини оширишга, йиғим-терим ишларини анча арзонлаштиришга имкон беради ҳамда пахтачиликдаги энг муҳим вазифани—ҳосилнинг асосий қисмини машинада териш вазифасини яқин йиллар ичида ҳал этиш учун асос вужудга келтиради.

Пахтани машинада теришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан сиз механик-ҳайдовчиларга, сизларнинг маҳоратингиз ва қунт билан ишлашингизга боғлиқдир. Пахтакорларнинг Кремлда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида Никита Сергеевич Хрушчев бундай деган эди: «Машина одамнинг душмани эмас, балки дўстидир, машинани унинг ўзи яратган, машина унинг меҳнатини енгиллаштириши керак. Одам қўл кучи билан машина бажарган миқдорда иш қилолмайди. Машина ёмон ишлаётган экан, демак, раҳбарлар бу машинадан фойдаланишга эътиборсиз қарамоқдалар, одамларни яхши тайёрламаётирлар, ишнинг кўзини биладиган кишининг қўлига тушган машина ёмон ишлаши мумкин эмас».

Илғор механик-ҳайдовчилардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Мелиқўзи Умрзоқов, Валентин Тюпко, Тошмамат Алижонов ва кўпгина бошқа механизаторлар ўзларининг шонли ишлари билан буни жуда яхши тасдиқладилар.

Далаларнинг донгдор меҳнаткашлари, пахтачиликни комплекс механизациялаш учун умумхалқ курашининг ташаббускорлари залдагиларнинг қарсаклари остида съезд президиумига сайланадилар. Улар орасида—Чиноз районидаги Киров номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова, Шўрчи районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари Т. Абсаматов, Бўка районидаги Охунбоев номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Гулаҳмедова, Марҳамат районидаги Свердлов номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Жумабоева, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозининг механик-ҳайдовчиси С. Жабборов, Урганч районидаги Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси М. Қурбонова, «Октябрь 40 йиллиги» совхози трактор-далачилик бригадасининг раҳбари К. Кенжаев, Мурадарё районидаги «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Камолова, Свердлов районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Т. Содиқов, Поп районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Умрзоқов, Наманган районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Эгамбердиев ва бошқалар бор.

Президиумда — Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолари М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Р. Ғ. Гуломов, Ғ. Ф. Наймушин, З. Р. Раҳимбобоева. Ш. Р. Рашидов. А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. О. Азимов, Н. Д. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартинов, республика қишлоқ хўжалиги министри Ж. Хоназаров, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти К. З. Зокиров, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов ва бошқалар ўтирибдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумини фахрий президиумга сайлаш тўғрисидаги таклиф гулдурос овозлар билан қутиб олинади.

Съезднинг кун тартибига бир масала—Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларининг 1960 йилда машинада 500 минг тонна пахта териш ҳақида олган мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги масала қўйилган. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри **Ж. Хоназаров** доклад қилди.

Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, бу йил давлатга 3 миллион 170 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган мажбуриятни сўзсиз бажариш, дейди докладчи, ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларининг асосий вазифаси, ватанпарварлик бурчидир.

Партия ва ҳукуматнинг доимий ёрдами туфайли кейинги йилларда ва айниқса етти йилликнинг биринчи йилида республикада пахтачиликни ривожлантириш соҳасида ажойиб муваффақиятларга эришилди. Бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида қайд қилинди. Бу муваффақиятларга аввало шу туфайли эришиш мумкин бўлдики, қишлоқ меҳнаткашлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида пахтачиликни янги асосда, комплекс механизациялаш базасида қайта қуришга қатъий киришдилар. Бу йўлни бизга партиямиз Марказий Комитети, ўзбек халқининг улкан дўсти Никита Сергеевич Хрушчев кўрсатиб бердилар.

Техника тараққиётини образли қилиб, етти йиллик қанотлари деб атайдилар. Республиканинг колхоз ва совхозлари белгиланган иш программасини амалга ошира бориб, бу йил 970 минг гектар, яъни олинган мажбуриятга нисбатан анча кўпроқ майдонга чигитни режа сими билан квадрат-уялаб экдилар. Биринчи марта 51 минг гектар ерга белгиланган миқдорда чигит экадиган сеялкалар ёрдами билан чигит экилди. 1231 минг гектар ерда ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилди ва ғўза қатор оралари икки томонлама ишланди. Бу йил бир миллион гектарга яқин ерлари ғўза кетмонсиз парвариш қилинди.

Эндиликда олдимизда бу йил пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялашни ривожлантириш соҳасидаги энг мураккаб ва масъулиятли вазифа — камида 500 минг тонна пахтани машинада териш вазифаси турибди. Бу тадбир йиғим-теримни тезлаштиришга, меҳнат унумдорлигини анча оширишга ва терим ишларининг таннархини камайтиришга, студентлар, ўқувчилар ва солдатларни пахта теримига жалб қилмаслик ҳақида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида берилган ваъдани бажариш имконини беради.

Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли, Чуст районидаги Навоий номли, Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозлари, Косонсой, Сталин РТСлари, «Малик», Ўзбекистон беш йиллиги номли, «Оққўрғон», «Рометон», «Гигант», «Мангит» совхозлари сингари илғор хўжаликлар, комплекс механизациялашган юзлаб бригадалар, кўпгина механик ҳайдовчилар, дейди докладчи, пахтани машинада теришга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ишларини ҳозирдаёқ тамомладилар ёки тамомламоқдалар. Шу билан бирга кўпгина колхоз, совхоз ва РТСларда тайёргарлик ишлари ниҳоят даражада суст ва уюшқоқсизлик билан олиб борилмоқда.

Ремонт қилиниши лозим бўлган 6921 пахта териш машинасидан фақат 3346 таси ремонтдан чиқарилган. Ҳодаим областида пахта териш машиналарининг 20,5 процента, Самарқанд областида 34 процента, Қорақалпоғистонда 40 процента ремонт қилинган, холос. Пахта териш машиналарини сифатсиз ремонт қилишдек йўл қўйиб бўлмайдиган фақтлар аниқланди. Кўпгина хўжаликларда дастлаб ишлаб чиқарилган терим машиналаридан қўшимча суратда фойдаланиш учун уларни тиклашдаги мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётир. Қорақалпоғистонда ҳосили машина билан териладиган майдонлар шу вақтгача ажратилиб бўлмаган. Сурхондарё, Хоразм ва Бухоро областларининг бир қанча колхоз ва совхозларида бу муҳим ишга расман қараганлар. Яроқсиз участкаларни алмаштириш йўли билан бу жиддий хатони дарҳол тузатиш керак.

Терим олдидан ғўза баргларини тўктириш сифати пахта териш машиналарининг самарали ишлаши учун гоят муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бунда энг муҳими — ғўза баргларини тўктириш муддатларини тўғри танлашдир. Бу йилнинг хусусиятларини назарга олиб, ғўзанинг кўпчилик қисмида 1—2 кўсак очилган вақтда ғўза баргларини тўктириш тавсия этилади. Бу ишни ўз вақтида бошлаш ва 20—25 сентябргача тамомлаш керак. Масалан, «Малик» совхози ғўза баргини тўктиришга 5 сентябрда киришмоқчи. Айрим консерваторларнинг ғўза баргини тўктиришни кечиктириш йўлидаги уринишларига қатъий равишда хотима бериш зарур.

Ўтган йилги илғор тажриба пахта териш машиналарининг икки сменада ишлаши техниканинг иш унумини оширишнинг ва йиғим-теримни тезлаштиришнинг муҳим резерви эканлигини кўрсатди. Бироқ, икки сменада ишлаш учун Тошкент областида 930 ҳайдовчи, Самарқанд областида 310, Қорақалпоғистонда эса 210 механик-ҳайдовчи етишмайди. Механизаторларни қайта тайёрлаш иши ҳамма жойда ҳам тугалланган эмас. Бухоро, Сурхондарё ва Андижон областларида бу иш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кечиктирилмоқда.

Ўртоқ Хоназаров такидлайдики, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Мелиқўзи Умрзоқов ва машинада пахта териш бошқа усталарининг тажрибаси барча механик-ҳайдовчилар ўртасида кенг ёйилиши лозим. Бунинг учун йиғим-терим олдидан ҳамма жойда яна бир марта семинар ўтказиб, машинани тартибга солиш, созлаш, ҳайдаш унга қараш соҳасидаги илғор усулларни амалда кўрсатиб бериш керак. Ишни шундай ташкил қилиш лозимки, йиғим-терим даврида ҳам энг яхши механик ҳайдовчиларнинг иш тажрибаси ҳамма жойда кун сайин ёйилсин ва жорий қилинсин.

Турсуной Охуновадан намуна олиб кўпгина қиз-жувонларимиз пахтани машинада теришга аҳд қилдилар. Қиз-жувонлардан 1162 киши махсус курсларни битириб чиқди ёки битириб чиқмоқда. Бу — ажойиб ташаббускор, катта социал аҳамиятга эга бўлган гоят катта ишдир.

Сўнгра ўртоқ Хоназаров пахта териш машиналари ишлай бошлашига қадар қолган вақт ичида қандай ишлар қилиниши тўғрисида муфассал гапиради.

Энг муҳими — пахта териш машиналарининг юқори сифатли ишлашини таъминлаш, машиналар қаторораларида ишлаган вақтда очилган пахтанинг камида 85—90 процентини териб олишга ва пахтанинг ерга энг кам тўкилишига эришиш керак. Бир қаторли ҳар бир машинада кунда қанча кам билан 2—3 тонна ва икки қаторли машинада 5—6 тонна пахта терилиши учун ҳамма машиналар икки сменада ишлаши лозим. Машина теримини 25—30 иш кунида ўтказиш керак.

Машиналар ишлайдиган жойларда қўл билан теришга мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Ҳосили машинада териладиган далаларда пахтани дастлаб қўлда териш — меҳнат ва маблағни беҳуда сарф қилиш демакдир, машина терими юзасидан олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига жиддий хавф туғдириш демакдир.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Юксак мукофотингиз муборак бўлсин!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР ўқитувчилар съездига сайланиш шарафига муяссар бўлган Ўзбекистон ССР ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимлари маориф соҳасидаги ва ёш авлодни коммунизм руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун мукофотлансинлар:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдуллаева** Тожихон — 26-ўрта мактаб директори.
2. **Алимуҳамедов** Шокир — 113-ўрта мактаб директори.
3. **Богомолов** Михаил Дмитриевич — 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.
4. **Жалилова** Назира — 34-ўрта мактаб директори.
5. **Иноятова** Маҳбуба — 84-ўрта мактаб ўқитувчиси.
6. **Кодиров** Эминжон — Ўзбекистон ССР Маориф министри.
7. **Киселева** Александра Ивановна — 94-ўрта мактаб ўқитувчиси.
8. **Лисова** Сирафима Ивановна — 110-ўрта мактаб ўқитувчиси.
9. **Мўминов** Юсуф — 27-ўрта мактаб директори.
10. **Расулев** Карим — 24-ўрта мактаб директори.
11. **Суюмов** Абдулла — 143-ўрта мактаб ўқитувчиси.
12. **Хошимов** Ҳаким — 22-ўрта мактаб директори.
13. **Хомулло** Матрена Григорьевна — 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Алимова** Тожи — Тошкентдаги мактабгача тарбия педагогика билим юртининг директори.
2. **Аҳмедова** Тожи — 11-ўрта мактаб директори.
3. **Беньяминов** Аврех Аронович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.
4. **Ваҳобов** Азиз — 11-ўрта мактаб директори.
5. **Дадашев** Тоир — Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири.
6. **Дмитриева** Клавдия Васильевна — Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.
7. **Зокиров** Қосим — 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.
8. **Зубанов** Александр Алексеевич — 112-ўрта мактаб директори.
9. **Иванов** Платон Иванович — Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг профессори.
10. **Лисий** Моисей Абрамович — 108-ўрта мактаб директори.
11. **Мамченко** Дмитрий Васильевич — Куйбишев район халқ маорифи бўлимининг мудири.
12. **Медведев** Кузьма Лукьянович — Ленин район халқ маорифи бўлимининг мудири.
13. **Мирзаев** Мансур — 95-ўрта мактаб ўқитувчиси.
14. **Миртожиева** Чўлпон — 38-ўрта мактаб директори.
15. **Пўлатов** Аҳмаджон — 5-ўрта мактаб ўқитувчиси.
16. **Сдобников** Александр Федорович — 18-ўрта мактаб директори.
17. **Сухопарова** Анна Александровна — 68-ўрта мактаб ўқитувчиси.
18. **Сушенцов** Яков Николаевич — Ўзбекистон ССР маориф министрлиги бошқармасининг бошлиғи.
19. **Тошмуҳамедов** Тўйчи — 28-ўрта мактаб ўқитувчиси.
20. **Улаева** Капитолина Ивановна — Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари.
21. **Усмонов** Лутфулла — 112-ўрта мактаб ўқитувчиси.
22. **Усмонов** Раҳим — «Совет мактаби» журналининг редактори.
23. **Ханова** Қаюма — 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.
24. **Хошимов** Абдулаҳад — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг инспектори.
25. **Хўжаева** Машрупа — 14-болалар уйининг директори.
26. **Шаблов** Федор Матвеевич — 140-ўрта мактаб директори.
27. **Шевьева** Валентина Петровна — 43-ўрта мактаб директори.
28. **Юкина** Екатерина Владимировна — 48-ўрта мактаб илмий бўлимининг мудири.
29. **Юлина** Надежда Андреевна — 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдуллаев** Шопўлат — Низомий номли Тошкент педагогика институтининг директори.
2. **Абдулов** Абдулхай Каримович — 90-ўрта мактаб директори.
3. **Азимов** Ғафур — 12-ўрта мактаб ўқитувчиси.
4. **Алексеева** Таисия Арсентьевна — 17-ўрта мактаб директори.
5. **Орипов** Раҳимжон — 17-ўрта мактаб ўқитувчиси.
6. **Белага** Борис Борисович — Шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори.
7. **Валиева** Ибодат — 13-ўрта мактаб директори.
8. **Ғаниева** Хожи — 54-ўрта мактаб ўқитувчиси.
9. **Герасименко** Гордей Яковлевич — 4-ишчи ёшлар ўрта мактабининг директори.
10. **Зельцер** Ефим Лазаревич — 71-ўрта мактаб директори.
11. **Иброҳимов** Хусан — 33-ўрта мактаб ўқитувчиси.
12. **Исоқов** Шариф — 123-ўрта мактаб ўқитувчиси.
13. **Комарова** Пелагея Васильевна — 64-ўрта мактаб директори.
14. **Коробейникова** Александра Павловна — 50-ўрта мактаб ўқитувчиси.
15. **Қурбонов** Туроб — 76-ўрта мактаб директори.
16. **Мартиненко** Александр Григорьевич — 55-ўрта мактаб директори.
17. **Маҳмудов** Илҳом — 62-ўрта мактаб ўқитувчиси.
18. **Норкина** Анна Кузьминична — 142-ўрта мактаб ўқитувчиси.
19. **Полвонов** Юсуф — 106-ўрта мактаб ўқитувчиси.
20. **Ражабова** Назира — 73-ўрта мактаб ўқитувчиси.
21. **Расулева** Ойпоша — 32-ўрта мактаб ўқитувчиси.
22. **Раҳматуллаева** Ғандалаб — 59-ўрта мактаб директори.
23. **Рашидов** Ғаффор — 1-мактаб-интернат директори.
24. **Рустамов** Турсун — 113-ўрта мактаб ўқитувчиси.
25. **Саидаҳмедов** Саидакбар — 119-ўрта мактаб директори.
26. **Саруханов** Ерванд Григорьевич — 69-ўрта мактаб директори.
27. **Сурина** Нина Ивановна — 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.
28. **Тожиев** Аббос Тожиевич — Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.
29. **Токарева** Людмила Константиновна — 60-ўрта мактаб илмий бўлимининг мудири.
30. **Трибунская** Мария Ивановна — 9-болалар боғчасининг тарбиячиси.
31. **Умаров** Тўхтамурод — 54-ўрта мактаб директори.
32. **Усмонов** Воҳид — 128-ўрта мактаб ўқитувчиси.
33. **Фоменко** Ольга Ивановна — 105-ўрта мактаб ўқитувчиси.
34. **Шодиев** Ҳамид — 2-мактаб-интернат директори.
35. **Шарипова** Меҳри — Тошкент педагогика билим юртининг директори.
36. **Шоумаров** Муҳиддин Шоумарович — Киров район халқ маорифи бўлимининг мудири.
37. **Шукуров** Абдураҳмон — 150-ўрта мактаб директори.
38. **Йўлдошев** Эргаш — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг инспектори.
39. **Юсупова** Хабиба — 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.
40. **Ёқубов** Рустам Хаитович — 49-ўрта мактаб директори.
41. **Яцковская** Галина Станиславовна — 20-ишчи ёшлар ўрта мактабининг директори.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абзалов** Ғиёс — 112-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.
2. **Обидова** Қаюма — 8-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.
3. **Обидова** Қумри — 78-ўрта мактаб директори.
4. **Обидова** Матлуба — Низомий номли Тошкент педагогика институти директорининг ўринбосари.
5. **Азимов** Сарвар Олимжонович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари.
6. **Азизхонов** Жалол — «Ўзбекистон ССР ўрта ва олий мактаб» Давлат нашриётининг собиқ директори, ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири.
7. **Азларов** Ҳаким — 35-ўрта мактаб директори.
8. **Алиев** Ғани — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг инспектори.
9. **Олимхўжаев** Ҳайриддин — 6-болалар уйининг директори.
10. **Анушкина** Анастасия Васильевна — 104-ўрта мактаб ўқитувчиси.
11. **Арнаутов** Иван Родионович — Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари.
12. **Асомов** Жамол — 26-ўрта мактаб директори.
13. **Бобожонов** Аъзам — Белинский номли Тошкент кечки педагогика институтининг директори.
14. **Бадальян** Ерванд Григорьевич — маориф ҳодимлари, олий мактаблар ва илмий муассасалар касаба союзи Киров район комитетининг раиси.
15. **Баранова** Анна Сергеевна — 149-ўрта мактаб ўқитувчиси.
16. **Безруков** Александр Андреевич — 53-ўрта мактаб директори.
17. **Бекбулатов** Носир Орипович — 88-ўрта мактаб ўқитувчиси.
18. **Бессонова** Евдокия Ивановна — 144-ўрта мактаб ўқитувчиси.
19. **Блохин** Федор Никифорович — шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори.
20. **Борисова** Ираида Петровна — 61-ўрта мактаб ўқитувчиси.
21. **Брусиловский** Леонид Наумович — 38-ўрта мактаб директори.
22. **Бикова** Мария Анисимовна — 19-ишчи ёшлар мактаби илмий бўлимининг мудири.
23. **Вакилова** Фарогат — 1-сонли ламлаштириш болалар уйининг директори.
24. **Ворисов** Асрор — 119-ўрта мактаб ўқитувчиси.
25. **Василенко** Анна Павловна — 16-ишчи ёшлар мактабининг ўқитувчиси.
26. **Ваҳобова** Солиха — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги методика бюросининг мудири.
27. **Виноградненко** Степан Петрович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.
28. **Волков** Владимир Иванович — 18-ўрта мактаб ўқитувчиси.
29. **Голик** Надежда Георгиевна — 52-ўрта мактаб ўқитувчиси.
30. **Гуломова** Азиза — 38-ўрта мактаб директори.
31. **Гуломова** Инобат — 81-ўрта мактаб директори.
32. **Даминов** Рўзимат — Октябрь район Пионерлар уйининг директори.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Н. С. ХРУШЧЕВ Япония саноат виставкасида

31 август куннинг иккинчи ярмида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Москвадаги «Сокольники» маданият ва истироҳат паркида очилган Япония саноат виставкасида бўлди. ва унинг экспонатларини кўздан кечирди.

Ҳурматли меҳмонни Япониянинг Совет Иттифоқидаги элчиси С. Кадоваки, виставка директори С. Адзума, Москвада меҳмон бўлиб турган Япония савдо-саноат доиралари вакиллари кутуб олдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

1960 йилда пахта териш ва тайёрлаш вақтида ҳисобот бериб туришнинг тартиби тўғрисида

Ўзбекистон КП область комитети бюроси Область пахтакорларининг КПСС Марказий Комитети биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев номига ёзган мактубида олинган социалистик мажбуриятларнинг, яъни етти йилликнинг иккинчи йилида мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида 1960 йил пахта йиғим-терими ва тайёрлаш даврида бригадалар, бўлимлар, колхозлар, районлар ва умуман область бўйича олинган социалистик мажбуриятга нисбатан пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида ҳисобот бериб туриш тартиби тўғрисида қарор қилди.

Бригадалар, бўлимлар, колхозлар, совхозлар ҳамда районларнинг рапорти улар социалистик мажбуриятни бажарганларидан кейин матбуотда эълон қилинади.

Область газеталари редакцияларига колхозлар, совхозлар, ҳамда бу хўжаликлар партия ташкилотларининг социалистик мажбуриятни бажариш юзасидан қилаётган ишларини узлуксиз ёритиб бориш топширилди.

Юксак мукофотингиз муборак бўлсин!

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР ўқитувчилари ва халқ маорифи ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

33. **Дарманян** Аракел Никитович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ишчи ва қишлоқ ёшлар мактаблари бўлимининг бошлиғи.

34. **Деева** Мария Петровна — 61-ўрта мактаб ўқитувчиси.

35. **Зиганшин** Загир Муҳамеджанович — 148- ўрта мактаб ўқитувчиси.

36. **Зикова** Ангелина Ивановна — 145- ўрта мактаб ўқитувчиси.

37. **Иброҳимов** Асқар — 13- ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

38. **Иброҳимов** Мирзаолим — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

39. **Згамбердиев** Раҳмон Салимович — Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари.

40. **Инромова** Маҳбуба — 109-ўрта мактаб директори.

41. **Ильёсов** Қутбиддин Ильёсович — Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори.

42. **Эрматова** Асалот — 12- болалар боқчасининг мудири.

43. **Исаева** Тамзия Хафизовна — 67- ўрта мактаб ўқитувчиси.

44. **Қодиров** Ғани — 24- ўрта мактаб директори.

45. **Қорабоев** Ғулом — 26-ўрта мактаб директори.

46. **Каримов** Фаттоҳ — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

47. **Карпенко** Афанасий Феоктистович — 46- ўрта мактаб ўқитувчиси.

48. **Қосимов** Акбар — 138- етти йиллик мактаб директори.

49. **Катаева** Таисия Ивановна — 64- ўрта мактаб ўқитувчиси.

50. **Ковалев** Петр Иванович — 18- ўрта мактаб ўқитувчиси.

51. **Коренкова** Зинаида Николаевна — 93- ўрта мактаб ўқитувчиси.

52. **Котелебец** Ираида Ивановна — 107- ўрта мактаб ўқитувчиси.

53. **Кравченко** Анастасия Алексеевна — 60- ўрта мактаб ўқитувчиси.

54. **Кривой** Петр Иосифович — 31- ўрта мактаб директори.

55. **Курбонова** Фатима — 59- ўрта мактаб ўқитувчиси.

56. **Лисина** Юлия Васильевна — 19- болалар боқчасининг табриячиси.

57. **Лютина** Мария Ивановна — 54- ўрта мактаб ўқитувчиси.

58. **Ляненко** Александра Ивановна — 21- ўрта мактаб ўқитувчиси.

59. **Маннонов** Мутал — 85- ўрта мактаб директори.

60. **Маҳмудов** Мансур Маҳмудович — республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори.

61. **Мирсоатов** Тўхтамурод Зоҳидович — Тошкент чет тиллар педагогика институтининг директори.

62. **Музаффаров** Акмал — шаҳар халқ маориф бўлимининг инспектори.

63. **Музаффаров** Саид — 13- болалар боқчасининг директори.

64. **Мусаев** Камол — Октябрь район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

65. **Муҳамедова** Раҳима Эргашевна — Ўзбекистон КП Куйбишев район комитетининг секретари.

66. **Назаров** Муҳиддин — 40- ўрта мактаб директори.

67. **Назирова** Раъно — 39- етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

68. **Насриддинов** Нажмидин — 120- етти йиллик мактаб илмий бўлими мудири.

69. **Орлова** Клавдия Владимировна — 44- ўрта мактаб ўқитувчиси.

70. **Осипова** Анастасия Ивановна — Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудирининг ўринбосари.

71. **Осипова** Арфик Александровна — Ўзбекистон КП Фрунзе район комитетининг секретари.

72. **Павлова** Валентина Ивановна — Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари.

73. **Пўлатов** Муҳиддин — Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари.

74. **Раҳимов** Миразиз — Октябрь район халқ маорифи бўлими методика кабинетининг мудири.

75. **Раҳматхўжаева** Сайёра Асадовна — меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

76. **Рашидов** Жўра Рашидович — 151- ўрта мактаб директори.

77. **Ровнягина** Людмила Александровна — 47- ўрта мактаб ўқитувчиси.

78. **Рўзибоев** Турсун — Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

79. **Содиқова** Амина — 118- етти йиллик мактаб директори.

80. **Смирнова** Лидия Алексеевна — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

81. **Строганова** Аделаида Михайловна — 140- ўрта мактаб ўқитувчиси.

82. **Султонов** Иброҳим — 4- болалар уйининг директори.

83. **Султонова** Марҳамат — 54-ўрта мактаб ўқитувчиси.

84. **Султонов** Ғани — Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг мудири.

85. **Султонов** Юсуф Султонович — Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими мудирининг собиқ ўринбосари, ҳозир Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг старший илмий ходими.

86. **Суреев** Владимир Иванович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги бўлимининг бошлиғи.

87. **Тоиров** Умар — 145- ўрта мактаб директори.

88. **Тимофеева** Валентина Ивановна — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармасининг инспектори.

89. **Тоғаев** Ҳайит — 40- ўрта мактаб директори.

90. **Тўробов** Ихлос — Калинин район халқ маориф бўлими методика кабинетининг мудири.

91. **Умаров** Фаттоҳ — 37- ўрта мактаб директори.

92. **Умаров** Ҳаким — 14- ўрта мактаб директори.

93. **Умархўжаева** Марҳамат — 41- ўрта мактаб директори.

94. **Уразова** Мария Исафьевна — 141- болалар боқчасининг мудири.

95. **Федоренко** Вера Ильинична — 69- ўрта мактаб ўқитувчиси.

96. **Фирджанов** Борис Арменович — 89- ўрта мактаб директори.

97. **Халифаева** Саодат — маориф ходимлари, олий мактаблар ва илмий муассасалар касаба союзи республика комитетининг раиси.

98. **Хонхўжаев** Музаффар — Калинин район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

99. **Хачиянц** София Сергеевна — Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг инспектори.

100. **Ҳошимов** Иброҳим — 75-ўрта мактаб директори.

101. **Хлопунова** Александра Степановна — 104-ўрта мактаб ўқитувчиси.

102. **Хожиматова** Иноят — 122-ўрта мактаб ўқитувчиси.

103. **Шаевская** Антонина Александравна — 13-ишчи-ёшлар ўрта мактаби ўқитувчиси.

104. **Шаламаев** Арон Ефремович — Островский номидаги Пионерлар саройининг директори.

105. **Шамсиева** Тоҳира — Октябрь район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

106. **Шоҳалимов** Шоғиёс — Калинин район халқ маорифи бўлимининг мудири.

107. **Йўлборисов** Абдусалом — Калинин район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

108. **Йўлдошев** Мутал — 29-ўрта мактаб ўқитувчиси.

109. **Йўлдошбоева** Ойша — 20-ўрта мактаб директори.

110. **Ёқубов** Боқижон — пенсионер, республика туристик базасининг собиқ директори.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдазов** Сайдаз Абдазович — Пискент районидаги 13-болалар уйининг директори.

2. **Ашрафхонов** Ансаф — Оржоникидзе районидаги 17-етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

3. **Гришина** Маргарита Васильевна — Чиноз районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

4. **Икромова** Муршида — Оҳангарон шаҳридаги 12-ўрта мактаб директори.

5. **Қиличева** Ҳабиба — Гулистон районидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

6. **Михольский** Иван Леонтьевич — Оржоникидзе районидаги 14-ўрта мактаб директори.

7. **Мўминов** Иброҳим Солиевич — Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

8. **Пўлатов** Фатхулла — Янгийўл районидаги 15-ўрта мактаб директори.

9. **Рахмедов** Мурод — Олмалиқ шаҳридаги 18-сакқиз йиллик мактаб директори.

10. **Тожиев** Мирза — Бекобод районидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

11. **Худяк** Владимир Васильевич — Оққўрғон районидаги 11-ўрта мактаб директори.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдувоҳидов** Кочкин — Бекобод районидаги 2-ўрта мактаб директори.

2. **Анбаров** Ғулом — Пискент районидаги 1-ўрта мактаб директори.

3. **Аҳмедов** Носир Бобоевич — Чирчиқ шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

4. **Охунов** Латиф — Янгийўл районидаги 7-ўрта мактабнинг илмий бўлими мудири.

5. **Володина** Зинаида Ивановна — Олмалиқ шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

6. **Гайсинская** Геня Абрамовна — Чирчиқ шаҳар педагогика кабинетининг мудири.

7. **Загоруйко** Николай Федорович — Тошкент область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари.

8. **Иритков** Александр Семенович — Бекобод шаҳар халқ маорифи бўлимининг инспектори.

9. **Исмоилов** Ислом Иброҳимович — Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

10. **Қобилова** Саврия Одиловна — Юқори Чирчиқ районидаги 39-етти йиллик мактаб директори.

11. **Ким** Александр Александрович — Гулистон район халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг мудири.

12. **Ларин** Владимир Алексеевич — Чирчиқ шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

13. **Мақурин** Иван Алексеевич — Бўстонлиқ районидаги 9-ўрта мактаб директори.

14. **Маҳсудов** Хайри Зарипович — Гулистон районидаги 5-ўрта мактаб директори.

15. **Маҳмамов** Эргаш — Бекобод шаҳридаги 9-ўрта мактаб директори.

16. **Мирзаева** Гулбаҳор Иброҳимовна — Оржоникидзе районидаги 9-болалар боқчасининг мудири.

17. **Нуриддинов** Камол Нуриддинович — Янгийўл шаҳридаги 4-ўрта мактаб директори.

18. **Пальникова** Любовь Федоровна — Пискент районидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

19. **Полоскова** Анна Тимофеевна — область халқ маорифи бўлимининг инспектори.

20. **Сайфуллина** Адиба Губаевна — Ўрта Чирчиқ районидаги 1-болалар боқчасининг мудири.

21. **Сарибоева** Ўлмас — Янгиер шаҳридаги 54-ўрта мактаб ўқитувчиси.

22. **Туренко** Анна Владимировна — Янгиер шаҳридаги 4-мактаб-интернатининг илмий бўлими мудири.

23. **Файзиев** Одил — Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири.

24. **Ҳасанов** Сулаймон Ҳасанович — Оржоникидзе районидаги 10-ўрта мактаб директори.

25. **Ҳусанова** Тўрапошо Қосимовна — Оққўрғон районидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

1. **Абдураҳманова** Каромат — Янгийўл шаҳридаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.

2. **Оймирзаев** Ҳусайин — Ўрта Чирчиқ районидаги 54-ўрта мактаб директори.

3. **Аҳмедов** Қўзи — Янгиер шаҳар халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг мудири.

4. **Бобожонов** Расулберди Тоштемирович — Янгиер шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

5. **Вайнберг** Фроим Яковлевич — Янгийўл шаҳридаги 10-ўрта мактаб директори.

6. **Валиулина** Гулбаҳор — Янгийўл район халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг мудири.

7. **Ғозиев** Пўлат — Ўрта Чирчиқ районидаги 4-ўрта мактаб ўқитувчиси.

8. **Давронов** Аҳмад Эгамбердиевич — Оржоникидзе районидаги 2-мактаб-интернат директори.

9. **Зоҳидова** Нафиса — Бекобод районидаги 12-ўрта мактаб директори.

10. **Қосимова** Қафиза — Бўстонлиқ районидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

11. **Ким** Антон Данилович — Ўрта Чирчиқ районидаги 55-ўрта мактаб ўқитувчиси.

12. **Қўлдошев** Мурод — Гулистон районидаги 5-ўрта мактаб директори.

13. **Лучкина** Тамара Алексеевна — Чирчиқ шаҳридаги Пионерлар саройининг тўгарак раҳбари.

14. **Любимова** Галина Григорьевна — Чиноз районидаги 2-ўрта мактаб ўқитувчиси.

15. **Малюгина** Нина Степановна — Янгийўл шаҳридаги 13-ўрта мактаб ўқитувчиси.

16. **Мустафин** Исҳак Сафаевич — Чирчиқ шаҳридаги 6-ўрта мактаб директори.

17. **Нортоев** Шокир Нортоевич — Оржоникидзе районидаги 21-етти йиллик мактаб директори.

18. **Новичкова** Мария Митрофановна — Оҳангарон шаҳридаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси.

19. **Нуриддинов** Шамсиддин — маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Тошкент область комитетининг раиси.

20. **Пак** Любовь Никитична — Қуйи Чирчиқ районидаги 6-мактаб-интернат директори.

21. **Пак** Трофим Васильевич — Оҳангарон шаҳридаги 14-мактаб-интернат директори.

22. **Пономарева** Роза Павловна — Чирчиқ шаҳридаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

23. **Путинцева** Вера Родионовна — Оржоникидзе районидаги 7-етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

24. **Тўйчиев** Исоқ — Янгийўл районидаги 7-ўрта мактаб директори.

25. **Тўхтабоев** Барот — Оржоникидзе районидаги 24-ўрта мактаб директори.

26. **Усмондиёров** Умарали — Бўка районидаги 1-ўрта мактаб директори.

27. **Ҳанимов** Музаффар — Сирдарё район халқ маорифи бўлимининг мудири.

28. **Холботирова** Муборак — Бекобод районидаги 25-ўрта мактаб директори.

29. **Цой** Илья Тихонович — Юқори Чирчиқ районидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

30. **Ширинов** Андрей Микиртичевич — Сирдарё районидаги 1-ўрта мактаб директори.

31. **Юнусов** Ҳамиджон — Юқори Чирчиқ районидаги 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.

32. **Ямпольская** Лидия Александровна — Оржоникидзе районидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«ШАВҚАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. **Абдураззоқов** Убай Аббосович — Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг биринчи секретари.

2. **Аброськина** Александра Васильевна — Ўрта Чирчиқ районидаги 23-ўрта мактаб ўқитувчиси.

3. **Одилов** Турсун — Ўрта Чирчиқ районидаги 17-етти йиллик мактаб директори.

4. **Азимова** Маъфура — Сирдарё районидаги 40-ўрта мактаб ўқитувчиси.

5. **Олтмишев** Мамадали — Бекобод район халқ маорифи бўлимининг мудири.

6. **Албеков** Турат — Олмалиқ шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

7. **Орипова** Раъно — Оржоникидзе районидаги 1-болалар уйининг директори.

8. **Артамонов** Георгий Александрович — Қуйи Чирчиқ райони Пионерлар уйининг директори.

9. **Аралов** Фаиқ — Юқори Чирчиқ районидаги 5-мактаб-интернат директори.

10. **Асроров** Ислом — Пискент районидаги 1- ўрта мактаб ўқитувчиси.

11. **Бобоёров** Очил — Оққўрғон районидаги 3- ўрта мактаб директори.

12. **Бобоева** Хосият — Гулистон районидаги 3- ўрта мактаб директори.

13. **Бердалиев** Абдулла — Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири.

14. **Бўрибоев** Ўрозали — Сирдарё районидаги 7- ўрта мактабнинг илмий бўлими мудири.

15. **Говар** Владимир Михайлович — Янгиобод шаҳридаги 1- ўрта мактаб директори.

16. **Гришина** Зинаида Филипповна — Оққўрғон районидаги 3- ўрта мактаб ўқитувчиси.

17. **Дашевский** Борис Исаакович — Янгиобод шаҳридаги ишчи ёшлар ўрта мактабининг директори.

18. **Жамолов** Миродил Ашурович — Юқори Чирчиқ район халқ маорифи бўлими методика кабинетининг мудири.

19. **Жомбоев** Турсун — Бўка районидаги 19- ўрта мактаб директори.

20. **Жунусов** Куванишбек — Қуйи Чирчиқ районидаги 9- ўрта мактаб ўқитувчиси.

21. **Жўраев** Икром — Бўка район халқ маорифи бўлимининг мудири.

22. **Дўсметова** Раҳима — Янгийўл шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

23. **Иброҳимов** Маҳмуд — Оржоникидзе район халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг мудири.

24. **Ибрагимов** Николай Лазгович — Чиноз районидаги 5- ўрта мактаб директори.

25. **Имомназаров** Ғулом — Оржоникидзе районидаги 20- ўрта мактаб директори.

26. **Исмоилов** Анвар — Чирчиқ шаҳридаги 11- болалар уйининг директори.

27. **Исмоилов** Карим — Янгийўл район халқ маорифи бўлимининг мудири.

28. **Исломова** Муфтарам — Янгийўл районидаги 50- етти йиллик мактабнинг илмий бўлим мудири.

29. **Исмоилова** Муҳайё — Оржоникидзе районидаги 8- етти йиллик мактаб директори.

30. **Кан** Константин Яковлевич — Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

31. **Каримова** Зайнаб Хабибовна — Янгиер шаҳридаги 47- ўрта мактаб ўқитувчиси.

32. **Каримов** Ҳаким Каримович — Тошкент область ёш табиатшунослар станциясининг директори.

33. **Қаршибоев** Низом Қаршибоевич — Қуйи Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

34. **Кириллов** Панфил Тимофеевич — Оҳангарон шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири.

35. **Когай** Петр Николаевич — Олмалиқ шаҳридаги 12- ўрта мактаб директори.

36. **Кожевников** Дмитрий Петрович — Янгиобод шаҳридаги 5-ишчи-ёшлар ўрта мактаб директори.

37. **Котлярова** Ольга Максимовна — область халқ маорифи бўлими мактабгача тарбия методика кабинетининг методисти.

38. **Қурбонғулов** Хайри Исломович — Гулистон районидаги 8- мактаб-интернат директори.

39. **Кучеренко** Иван Александрович — Оҳангарон шаҳридаги 6- ўрта мактаб ўқитувчиси.

40. **Латипова** Муаззам Абдулнафиқовна — Чиноз районидаги 24- ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

41. **Мавлонова** Муҳаббат — Сирдарё районидаги 9- етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

42. **Магадиева** Қурбонбека — Оҳангарон шаҳридаги 1- болалар боқчасининг мудири.

43. **Маҳсумов** Муҳиддин — Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори.

44. **Матқобулов** Абдужамил — Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

45. **Морозова** Мария Кузьминична — Бўка районидаги 32- ўрта мактаб ўқитувчиси.

46. **Мўминова** Екатерина Моисеевна — Бекобод шаҳридаги 10- ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири.

47. **Мўминова** Назокат Набиевна — Қуйи Чирчиқ районидаги 30- етти йиллик мактаб директори.

48. **Муҳамедов** Иброҳим Файзиевич — Ўзбекистон металлургия заводининг директори.

49. **Муҳиддинов** Жалод Акрамович — Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги кадрлар бўлимининг бошлиғи.

50. **Назарова** Зинаида Александровна — Қуйи Чирчиқ районидаги 11- ўрта мактабнинг илмий бўлимя мудири.

51. **Николаева** Анна Тимофеевна — Чирчиқ шаҳридаги 3- болалар боқчасининг мудири.

52. **Нурматова** Холида — Қуйи Чирчиқ районидаги 5-етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

53. **Пак** Нина Николаевна — Ўрта Чирчиқ районидаги 58- ўрта мактаб ўқитувчиси.

54. **Ражева** Ксения Александровна — Сирдарё районидаги 3- мактаб-интернат директори.

55. **Раҳимов** Ҳаким Раҳимович — Оржоникидзе районидаги 11- етти йиллик мактаб директори.

56. **Собитов** Солих Назармуҳамедович — область халқ маорифи бўлимининг инспектори.

57. **Савин** Иван Федорович — область ёш техниклар станциясининг директори.

58. **Солиев** Мурод — Гулистон районидаги 1- мактабнинг илмий бўлими мудири.

59. **Сартбоев** Аширали — Сирдарё районидаги 46- етти йиллик мактаб директори.

60. **Сон** Ен-бок — Сирдарё район халқ маорифи бўлимининг инспектори.

61. **Толипов** Юсуф — Янгийўл районидаги 10- ўрта мактаб директори.

62. **Тошпўлатов** Ҳамроқул — Ўзбекистон КП Оққўрғон район комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

63. **Темирбеков** Низомиддин Темирбекович — Ўрта Чирчиқ районидаги 69- ўрта мактаб ўқитувчиси.

64. **Турғунбоев** Қулмирза — Юқори Чирчиқ район халқ маорифи бўлими педагогика кабинетининг методисти.

65. **Усанова** Тамара Расильевна — область халқ маорифи бўлими кадрлар секторининг мудири.

66. **Усмонов** Алдон — Янгийўл районидаги 1- ўрта мактабнинг илмий бўлими мудири.

67. **Хван** Григорий Львович — Бекобод шаҳридаги 10- ўрта мактаб директори.

68. **Худоёрова** Бахмал — Бекобод шаҳридаги 3- ўрта мактаб ўқитувчиси.

69. **Ҳусанов** Тиллабой — Бўстонлиқ районидаги 20- ўрта мактаб директори.

70. **Чепланов** Петр Иванович — республика кар-соқов болалар мактабининг директори.

71. **Шерназаров** Умат — Янгиер шаҳридаги 6- етти йиллик мактаб ўқитувчиси.

72. **Шин** Ден-дик — Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз раиси.

73. **Эсонбоева** Ҳалима — Бўка районидаги 2- ўрта мактаб ўқитувчиси.

74. **Юн** Александр Дмитриевич — Оржоникидзе районидаги 1- кечки ишчи-ёшлар мактабининг директори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1960 йил, 30 август.

РЕСПУБЛИКА МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Теримни ўз вақтида бошлаш — машиналарнинг юқори сифатли ишлашининг муҳим шартидир. Вертикаль-шпинделли машиналар билан теримни кўсакларнинг камида 50—60 проценти очилганда, горизонтал-шпинделли машиналар билан эса янада кўпроқ кўсаклар очилганда бошлаш керак. Бунда биринчи терим маҳсули ўртасида ёки охирида ҳосили териладиган далаларда кўсакларнинг 80—90 проценти очилган бўлади. Бундай далаларда пахта териш машиналарининг иш унуми ва сифати анча юқори бўлади ҳамда бундан ташқари иккинчи теримга эҳтиёж қолмайди.

Тажриба машиналарнинг группа бўлиб ишлаш методи энг яхши метод эканлигини кўрсатиб турибди. Бу метод билан ишлаганда машиналарга техника хизматини, пахтани қабул қилиб олиш ва ташиш ишларининг ташкил этилишини, агрегатларнинг иши устидан контроль қилиб туришни соддалаштиради. Лекин бунда эгасизликка йўл қўйилмаслиги керак. Ҳар бир механикка айрим участка ажратиб бериш ва теримдан кейин далаларни ҳар бир ҳайдовчидан қабул қилиб олиш, ёмон бажарилган ишни браккa чиқариш зарур.

Қишлоқ хўжалик органлари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари ҳосилни теришда ишлайдиган механизаторлар учун барча зарур шароитни яратиб бериш, улар учун дала шийпонлари, яхши умумий овқатланишни ташкил қилиш, медицина хизмати ва маданий хизмат кўрсатилишини, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўришлари лозим.

Донг чиқарган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Турсуной Охунова ва Мелиқўзи Ўмрзоқов шу мавсумда 300 тоннадан, Денов районидаги Калинин номли колхоздан Назиртош Тўраев 300 тонна, Фарғона областидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Қурбон Кенжаев 250 тонна пахта теришга аҳд қилдилар. Кўпгина бошқа механизаторлар ҳам юксак мажбуриятлар олдилар. Пахта теримида техникадан аъло даражада фойдаланиш учун мусобақа алангаси янада кучайсин! Бу йил мавсум давомида бир қаторли машинада терилган пахта 60—70 тоннадан, икки қаторли машинада терилган пахта эса 100 тоннадан кам бўлмаслиги керак.

Республика комсомол ташкилотлари пахтани машинада теришни оталикка олдилар. Пахта териш техникасидан юксак унум билан фойдаланиш учун курашга бошчилик қилиш ёш ватанпарварларнинг шарафли ишидир.

Ўртоқ Хоназаров докладининг охирида бундай дейди: Сизларнинг номингиздан, республикадаги ҳамма механик-ҳайдовчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советини камида 500 минг тонна пахтани машинада териш юзасидан олган мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун ўз кучимизни ва меҳнатимизни аямаймиз, зарур бўлган ҳамма чораларни кўрамиз, деб ишонтиришга ижозат бергайсиз.

* * *

Докладни муҳокама қилишда Поп районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Умрзоқов**, Денов районидаги Калинин номли колхоз комплекс механизация бригадасининг раҳбари **Н. Тўраев**, «Малик» совхозининг директори **С. А. Бочкарев**, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Т. Охунова**, Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг бригада бошлиғи **М. Мирзаев**, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **О. Камолова**, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Ш. Назаров**, Вобкент районидаги Сталин номли колхоз комплекс механизация бригадасининг раҳбари **М. Қандова**, «ХВС-1,2» пахта териш машинасининг бош конструктори **А. Н. Приходько**, Янги ер шаҳар партия комитетининг секретари **А. А. Сардоров**, Янгиариқ районидаги Наримонов номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари **Р. Бўстонов**, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси **М. А. Ковалева**, Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси **Б. Фозилов**, Оқдарё районидаги Энгельс номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг раҳбари **М. Холбоев**, Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг механик-ҳайдовчиси **Б. Ҳайдаров**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимов**, Қўқон шаҳридаги Сталин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **О. Йўлдошева**, Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг механик-ҳайдовчиси **Э. Набиева**, «Норпой» совхозининг директори **В. П. Тен**, «Фарҳод» совхози трактор-далачилик бригадасининг раҳбари **Х. Тўраева**, Балиқчи районидаги Карл Маркс номли колхозининг механик-ҳайдовчиси **Қ. Қўшоқов**, «Бешариқ» совхозининг механик-ҳайдовчиси **М. Солиева**, Қарши районидаги Сталин номли колхозининг механик-ҳайдовчиси **С. Усмонова** сўзладилар.

Съезд номига Озарбайжон ССР пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилари кенгаши қатнашчиларидан табрикнома олинганлиги тўғрисидаги хабар қарсаклар билан қутиб олинди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Съезд делегатлари Ўзбекистоннинг барча механизаторларига, колхоз, совхозларнинг бригада раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига барча пахтакорларига якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

И. И. Каримов, М. В. Ким, Й. Иброҳимов ўртоқларга берилган жазони бекор қилиш тўғрисида

Область партия комитети бюросининг 1960 йил 23 июнда қабул қилиниб, область газеталарида босилган қарорида зарпечакка қарши кураш тадбирларини амалга оширмаганликлари, натижада колхоз ва совхозларда ғўза ва бошқа экинларга зарпечакнинг кенг тарқалишига йўл қўйганликлари учун Сирдарё ва Юқори Чирчиқ районлари партия комитетларининг секретарлари И. Каримов ва М. В. Ким ҳамда Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси Й. Иброҳимов ўртоқларга виговор берилган эди.

Ўтган вақт ичида юқоридаги районларда зарпечакни йўқотиш соҳасида катта иш қилинди.

Ўзбекистон КП область комитети бюроси область партия комитети бюросининг 23 июндаги қарорида И. Каримов, М. В. Ким ва Й. Иброҳимов ўртоқларга берилган виговорни бекор қилди ҳамда Сирдарё ва Юқори Чирчиқ район партия комитетлари зиммасига далаларда зарпечакни бутунлай йўқотиш ва унинг бундан буён тарқалишига йўл қўймаслик вазифасини юклади.

Район ва шаҳар партия комитетлари район ва шаҳар ижроия комитетлари бундан буён ҳам колхоз ва совхозлар далаларида зарпечакни йўқотиш юзасидан кескин чораларни амалга оширишлари ва унинг уруғлаш даврида бутунлай йўқотилишини таъминлашлари лозим.

СИЗ ҚАНЧА СИЛОС БОСТИРДИНГИЗ?

(1 сентябрга қадар бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	108,9
Қуйи Чирчиқ	87,7
Ўрта Чирчиқ	61,1
Бекобод	61,1
Бўка	59,9
Сирдарё	59,5
Янгиер шаҳри	58,2
Бўстонлиқ	55,9
Оққўрғон	55,3
Янгийўл	54,7
Пискент	49,2
Оржоникидзе	48,4
Чиноз	46,1
Гулистон	45,4
Оҳангарон шаҳри	44,8
Калинин	44,2
Олмалиқ шаҳри	22,2
Область бўйича:	**59,6**

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 2 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ!



Биринчи сентябрь тонгида бу йил мактаб остонасига қадам қўяётган ўғил-қизларимизнинг қувончи чексиз эди. Нега ҳам қувонишмасин! Ахир улар билим чаманига кириб, меҳрибон ўқитувчилари қўлида таълим оладилар. Сиз расмда кўриб турган бу ёш талабалар Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 76-мактабнинг биринчи синф ўқувчилари. Суратда: ўқувчилар машғулот пайтида.

А. Палехов фотоси.

Биринчи қўнғироқ

Янги қурилган кўркам бино. Унинг ичи ёруғ, озода. Хоналардаги парта, доскалар ярақлайди. Бу чинозлик болалар учун янги ўқув йилига қилинган тортиқ — 7-мактаб-интернат. Кеча бу ерда шодиёна байрам тантанаси авж олди.

Соат стрелкаси тўққизга яқинлашгач мактаб-интернат директори ўртоқ Л. Дронова йиғилган ўқувчиларга қараб:

— Азиз ўқувчилар, янги ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин. Орзиқиб кутган кунингиз мана етиб ҳам келди. Сизларнинг пухта билим олишингиз учун ҳамма нарса тахт. Қани дарсга ўртоқлар!— деди.

Биринчи синф: Хонада жим-житлик. Ўқитувчи Г. Нуриева ўқувчиларни бўйига қараб парталарга ўтказмоқда.

250 ўқувчига мўлжалланган бу интернатда болалар ҳам билим оладилар, ҳам истиқомат қиладилар. Бу ерда ўқувчиларнинг ҳунар ўрганиши учун катта база муҳайё.

О. САЙДАМИНОВ.

УЛАР ҚУРУВЧИ БЎЛАДИЛАР

«Хуш келибсиз азиз ўртоқлар!». Қизил алвонга ёзилган бу сўзлар қурилиш техникуми кираверишига осиб қўйилганди. Дафтар, китобларини қўлтиқлаб олган, юзларида қувонч ли ҳаяжон барқ уриб турган ўспиринлар зинадан бирин-кетин кўтарилишарди. Юқори курс студентлари аудиторияга ошиқади. Янгилар—бу йил қабул қилинганлар эса залга таклиф этилади.

Техникум директори ўртоқ Рустамов студентларни янги ўқув йили билан табриклайди:

— Бугун сизлар қурувчи бўлиб етишиш учун дастлабки қадамни қўясизлар. Яъни қурувчи тили билан айтганда пойдеворга биринчи гиштни ўрнатасизлар. Уни албатта мустаҳкам ўрнатиш керак. Шунинг сингари техникумимизда ҳам тартиб, интизом жуда мустаҳкам. Ҳақиқий мутахассис бўлиб етишиш учун ана шу тартибга қатъий риоя қилиш керак. Сўнгра ўртоқ Рустамов студентларни техникумнинг ички қоидалари билан таништирди. Роса соат 8,5 да биринчи дарсга кириш учун қўнғироқ жаранглади.

Мана II-курс. Техника-механика фани ўқитувчиси ўртоқ М. Қосимов студентлар билан танишиб олгач асосий дарсга ўтди:

— Бу фан машина конструкторасини ўргатади,— фан ҳақида тушунча, қандай адабиётлардан фойдаланиш керак, сўзлаб берди ўқитувчи. Студентлар унинг сўзини диққат билан тинглашар, қулоққа қуйиб олгандай ёзиб боришарди. Улар орасида қўллари қадоқ, кечагина қишлоқдан келганлар кўп. Ҳа, улар авваллари қурилишда тажриба ортириб сўнгра илм олгани келишган. Шунинг учун ҳам бу ёшлар назарий жиҳатдан қуролланган ҳақиқий малакали қурувчилар бўлиб етишадилар.

Ф. УСМОНОВА.

Зўр уюшқоқлик билан

Кеча, биринчи сентябрь тонгида Тошкент Давлат медицина институти байрам тусини олган эди. Ёқимли мусиқа садолари бир зум тинмайди. Ёз бўйи янги куч ва янги ғайрат тўпларган йигит-қизлар жонажон институти қучоғига шошилишарди.

Соат 9. Янги ўқув йили бошланганлигидан дарак берувчи қўнғироқнинг янгроқ овози олий ўқув юртининг кенг саҳни бўйлаб жаранглайди.

Машғулотлар бошланди. Шу жумладан педиатрия факультети аудиторияларини тўлдириб ўтирган йигит-қизлар профессор ва ўқитувчиларнинг лекцияларини катта эътибор билан тинглашмоқда. Кимёгар олима М. Алавия институтга бу йил янги қабул қилинган студентларга кимё фанининг аҳамиятини тушинтирмоқда. Бошқа группаларда ҳам машғулотлар қизғин давом этарди.

Институт янги ўқув йилини қатор янгиликлар билан кутиб олди. Кечки бўлимлар ҳам ташкил этилди. Янги ўқув асбоблари сотиб олинди.

Ўша куни пойтахтимиздаги бошқа олий ўқув юртларида ҳам машғулотлар зўр уюшқоқлик билан бошланди.

Т. ЮНУСОВА,
М. ЛАТИПОВ.



Халқ ҳокимияти йилларида меҳнаткашларнинг моддий аҳволи яхшиланди, ишчиларнинг дунёқараши ўзгарди. Аввало мутахассисликларининг сирини жидий махфий тутиб келаётган кишилар, эндиликда ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар. Суратда: темир йўл мастерской инининг ишчиси Жиа Лам ўз тажрибасини ёш ишчи аёлга ўргатмоқда.

Вьетнам информация агентлигининг фотоси.

Вьетнам халқининг катта байрами

«Вьетнам озод ва мустақил бўлиш ҳуқуқига эга ва у ҳақиқатан ҳам озод ва мустақил давлатга айланди». Бундан 15 йил муқаддам, яъни 1945 йил 2 сентябрда Вьетнам Демократик Республикаси ташкил этилган куни президент Хо Ши Мин тантанали равишда шундай деган эди. Вьетнам халқининг француз мустамлакачиларига қарши асрлар бўйи олиб борган кураши шундай натижалар билан тугади. Ҳиндихитой Коммунистик партияси ва сўнг Вьетнам меҳнаткашлар партияси раҳбарлигида олиб борилган 15 йиллик қаҳрамонона кураш август революциясининг ғалабасига олиб келди ва натижада вьетнам халқи тарихида янги давр бошланди.

Бироқ кўп ўтмасдан, 1945 йил 23 сентябрда француз мустамлакачилари Америка ва Англия империалистларининг қўллаб-қувватлашлари орқасида ёш республикага қарши янги босқинчилик урушини бошлади. Мана шундай оғир бир кунларда барча вьетнам халқи мустақиллик Куни қабул қилинган «қулларча ҳаёт кечириш даврига ҳеч ҳам қайтмаслик» қасамига содиқ эканлигини билдириб Вьет-Минь Фронти сафларини янада мустаҳкамлади ва империалистларга қарши қаҳрамонона кураш бошлади. Француз агрессорларига ва Америка интервентларига қарши олиб борилган 9 йиллик урушда вьетнам халқи ғалабага эришди ва натижада 1954 йили империалистлар Женева битимини имзолашга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб Ҳиндихитойда уруш тамом бўлди.

Уруш тамом бўлиб, тинчлик даврига қадам қўйилганига олти йил бўлди. Шу қисқа давр ичида Шимолий Вьетнамда халқ демократик тузуми туфайли олга томон катта қадам ташланди. Эндиликда эса туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Ҳаммага маълумки, урушдан кейин бир жуда оғир қийинчиликларни ўз бошимиздан кечирдик. Мавжуд қолоқ миллий экономика уруш натижасида вайрон бўлган эди. Қишлоқ хўжалиги эса жуда қолоқ эди. Фақат майда саноат корхоналаригина мавжуд бўлиб, деярлик ҳамма кўпчилик ва йўллар зарарланган, кўп шаҳарлар ва қишлоқлар вайрон бўлган эди. Бундан ташқари француз мустамлакачилари жануб томонга чекинаётган вақтларида юзлаб кишиларни зўрлик билан Жанубий Вьетнамга олиб кетган эдилар.

Бироқ Шимолий Вьетнам меҳнаткашлари урушда вайрон бўлган хўжаликни тиклаш учун зўр ғайрат билан отланди. 1955 — 1957 йилларда биз мамлакат халқ хўжалигини тиклашни муваффақиятли равишда тугалладик. Шу уч йил мобайнида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариши урушдан аввалги 1939 йилдаги даражага етди. Ғалла етиштириш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Агар 1939 йили Шимолий Вьетнамда 2,5 миллион тоннага яқин шоли етказилган бўлса, 1956 йили 4 миллион тонна шоли етиштирилди. Бу феодал ва мустамлакачиларнинг эксплуатациясидан озод бўлган вьетнам деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнатларининг натижасидир Аграр реформанинг ўтказилиши натижасида деҳқонларнинг асрлар бўйи қилиб келаётган орзулари амалга ошди. 810 минг гектардан кўпроқ ер 10 миллиондан кўпроқ вьетнам хўжалигига тақсимлаб берилди.

1958 йилдан бошлаб Шимолий Вьетнам 1957 — 1960 йилларга мўлжалланган халқ хўжалиги ҳамда маданиятини қайта қуриш ва ривожлантириш уч йиллик планини амалга оширишга киришилди. Шу йиллар ичида биз катта ютуқларни қўлга киритдик.

Қишлоқда қишлоқ хўжалик кооперативлари оммаининг қудратли ҳаракатига айланди. Агар 1958 йили кооперативларга ҳаммаси бўлиб 5 процентгина деҳқон оиласи кирган бўлса, эндиликда текислик районларидаги меҳнаткаш деҳқонларнинг 65 проценти ва тоғлик жойлардаги деҳқонларнинг 53 проценти коллективлашди. Деҳқонлар фақат кооперативгина уларнинг турмуш даражасини яхшилашга олиб келишлигини тушинмоқда.

Ҳозирги вақтда 80 процентдан кўпроқ ҳунармандлар кооперативларга ва ишлаб чиқариш группаларига бирлашган. Шунингдек 70 процент майда савдогарлар ҳам кооперативларга жипслашган.

Социалистик қайта қуриш амалга оширилиши билан бирга капитал қурилишига жуда катта маблағ сарф қилинди. Фақат 1959 йилнинг ўзидаёқ 33 та саноат корхоналари ва 41 та ижтимоий муассасалар қурилди. Демак ўрта ҳисобда ҳар беш кунда битта корхона ишга туширилди.

Социалистик ўзгаришларни қурилишлар билан бирга қўшиб олиб бориш жуда яхши натижаларни бермоқда. 1959 йили саноатда ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида давлат сектори 42 процентни ташкил қилди. 1955 йилдан 1959 йилгача давлат саноатининг ялпи маҳсулоти 16 баравар ўсди. Ўтган йили 5 миллион тоннадан кўпроқ шоли етказилди. Бу 1955 йилда етиштирилган шолига нисбатан 52 процент кўпдир. Ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 2280 килограмм шоли ҳосили олинди. Феодал ҳукмронлиги даврида эса ҳар бир гектаридан максимум 1400 килограмм шоли олинар эди.

Шимолий Вьетнам аҳолисининг турмуш даражаси ҳам анча яхшиланди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи 1955 йилга нисбатан 77 процент, деҳқонларнинг даромади эса 50 процент ортди.

Соғлиқни сақлаш ва маданият соҳасида ҳам Шимолий Вьетнам аҳолиси катта ютуқларни қўлга киритди. Медицина муассасалари ва врачлар сони 1939 йилга нисбатан 4 баравар ўсди. Мактаб ўқувчиларининг сони эса уч баравар, олий ўқув юрти студентларининг сони эса 15 баравар ўсди. Янги ўқув йили арафасида ялпи ўқувчилар сони Шимолий Вьетнам аҳолисининг 16 процентини ташкил этади. Яъни бу 1939 йилги Ҳиндихитойдаги барча ўқувчилар сонидан 5 баравар кўпдир.

Эришилган бу катта ютуқлар социалистик лагерь мамлакатлари биринчи навбатда Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикасининг бегараз берган ёрдамлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек бу ютуқлар кун сайин ривожланаётган Вьетнам ва СССРнинг қардошларча ҳамкорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Биз халқ хўжалигини тиклаш даврида катта қийинчиликларга дучор бўлган вақтимизда Совет Иттифоқи қайтиб олмаслик шарти билан 400 миллион сўм ёрдам берди. Шундан кейин Совет Иттифоқи яна мамлакатда завод қурилишлари учун 30 миллион сўм кредит берди. Шунингдек Совет ҳукумати бизга зарур саноат материаллари, ускуналар ва аҳоли учун миллионлаб тонна кенг истеъмол товарлари етказиб берди. Совет ҳукуматининг ёрдами билан деярлик барча эски корхоналар тикланди ва қўплаб эски ускуналар ҳозирги замон янги ускуналари билан алмаштирилди.

1959 йилнинг бошларида Совет ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасига узоқ муддатли 100 миллион сўм кредит берди. Бу кредит халқ хўжалигини ривожлантиришнинг уч йиллик планига кўра қуриладиган корхоналарга сарф қилинди. Шунингдек Совет ҳукумати бизга техника ва ускуналар ҳамда фойдали қазилма бойликларини топишда ёрдам берди. Совет ҳукуматининг соғлиқни сақлаш соҳасида бераётган ёрдамини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ханойда қурилган совет касалхонаси «Красный крест» ҳозирги замон техникаси ва янги аппаратлар билан жиҳозланган. 1958 йилларнинг бошларида Совет ҳукумати бу касалхонани вьетнам халқига тақдим этди. Совет мутахассислари Вьетнам Демократик Республикасида кўп касалларни жумладан сил, безгак ва бошқа касалларни даволашда ёрдам берди.

1960 йил июнь ойида Совет ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасига 350 миллион сўм узоқ муддатли кредит берди ва тропик экинлар етиштиришни кўпайтириш учун техника билан ёрдам берди.

Энг қимматлиси ва энг муҳими шундаки, Совет Иттифоқи Вьетнам Демократик Республикасига техника материаллари ва саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ маорифи соҳасида минглаб мутахассислар билан ёрдам берди.

Совет ҳукумати ва социалистик лагерь мамлакатларининг қардошларча беғараз ёрдамлари натижасида Шимолий Вьетнам аҳолиси қувноқ ва бахтли ҳаёт кечираётган бир вақтда, 12 миллионлик бизнинг ватандошларимиз Жанубий Вьетнамда Америка империалистлари ва сотқин Нго Динь Дьемнинг ваҳшиёна зулми остида қолиб келмоқда. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамга қуроляроқ ва ҳарбий аҳмоллар олиб келишни давом этмоқда. Америка империалистлари Жанубий Вьетнамни ўзининг мустамлакасига ва Америка ҳарбий базасига айлантириш учун ҳаракат қилмоқда. Америка империалистларининг Жанубий Вьетнамнинг ички ишига аралашуви унинг экономикасини ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Мамлакатнинг 41 процент экин экиладиган ерлари фойдаланмасдан қолиб келмоқда. Ишсизлар ва ярим ишсизлар сони 1,5 миллион кишини ташкил этмоқда.

Жанубий Вьетнам аҳолиси 6 йилдан буён Америка империалистлари ва уларнинг югурдакларига қарши тинчлик, демократик эркинлик, миллий мустақиллик ва мамлакатни бирлаштириш йўлида қатъият билан мардонавор кураш олиб бормоқда.

Империализмга қарши кураш— тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдир, миллий суверинитетга ва мустақилликка эга бўлиш ва уни сақлаб қолишдан иборатдир, озодлик, демократия, ижтимоий прогресс ва социализм учун курашдир.

Вьетнам халқи Совет Иттифоқининг тўла ва ёппасига қуролсизланиш тўғрисидаги янги таклифларини қувватлайди. Вьетнам халқи Бухарестда бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларининг кенгашида қабул қилинган қўшма Коммюникени табриклайди. 12 коммунистик ва ишчи партиялари иштирокида қабул қилинган бу Коммюникe социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги ва бузилмас бирлигини намойиш қилди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати ва президент Хо Ши Мин раҳбарлигида Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик лагерь мамлакатларининг қардошларча ёрдами туфайли Вьетнам муваффақиятли равишда социализм қуради ва ўз ватанини бирлаштиришга эришади.

Яшасин вьетнам ва совет халқларининг бузилмас дўстлиги!

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 2 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

500 000 тонна пахта учун!

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

„МУШТУМ“ 1-„БОЁВУТ“ СОВХОЗИДА

КУНЛАР ҒАНИМАТ

Деҳқон ҳисобида сумбула туғди, яъни баҳор фаслида, ёз давомида қилинган ишлар якуни жамланадиган пайт келиб қолди. Уддабурро деҳқон шу кунларда атрофга бир назар ташлайди, ҳосилини чамалаб кўради. У ер, бу ерда чеканка чала бўлмаганмикан, трактор оралаши қийин бўлиб қолган пайкалларда ўт ўсиб, етилаётган кўсакнинг озуқасига шерик бўлмаганмикан, танаси тўлишаётган ғўзалар сувсираб қолмаётганмикан, битта-яримта ҳашарот тушиб ҳосили энди етилганда уни нобуд қилишга уринмаётганмикан, анави картанинг ғўзаси ҳар қалай кўнгилдагидек эмас, трактор яна бир ораласа фақат фойдаку... Дарвоқе, хирмон жойлар, тош-тарозу, этакни жамғариб қўйсак доғда қолмаймиз, оғайни... Ана, пахта териш машиналаримиз пойгага тайёрланган отдек, олдинга интилиб турибди, шундай бўлса ҳам уларнинг уёқ-буёғини кўздан кечириб қўйишимиз зарур!

Шу фикр, шу хаёл чулғаб олган деҳқон ҳосили тарозига тушганда дард қолмайди. Чопиғини дўндирганмиз, ҳосилимиз кўпайиб ётибди, деб ҳалитдан дўппини чамбарак қилган деҳқон ҳосил тарозига тушганда бармоқ тишлаб қолиши ҳам мумкин. Демоқчимизки, шу ғанимат кунларнинг минути, соати зойи кетмасин, ҳарна ҳосилга-ҳосил қўшганимиз фойда. Ҳисобдан адашмаслик учун ҳам қанақа ишлаяпти, бир назар ташлайлиқчи...

Мирзачўл ерларидан 5 минг гектарини пахтазорга айлантирган, қадимий чўлларда «оқ олтин» конини кенгайтириб бораётган улкан хўжалик — 1-«Боёвут» совхози далаларида бўлиб, у ердаги кишилар билан сўзлашганда ғанимат фурсатнинг бир дақиқасини ҳам бекорга ўтказмаётган деҳқонлар кўплигини, шу билан бирга ҳалитданоқ дўппини чамбарак қилиб, тантана куйига ўйинга тушаётган «деҳқонлар»ни ҳам кўриб қолдик. Ишини билиб қилаётган одамларга ҳамма, шулар қатори «Муштум» ҳам тан бериб, офарин дейди. Қирқига чидаб, қирқ бири қолганда ўзига оро берувчи кишилар учраб қолгудек бўлса «ишингни билиб қил оғайни», деб кўзини очиб қўяди.

Гапни уддабурро деҳқонлар ишини тасвирлашдан, уларга офарин дейишдан бошлашни лозим топдик.

ҲОСИЛИНГГА БАРАКА, ДЕҲҚОН УРТОҚ!

Совхоздагилар Боймирза Холмирзаевни «ишнинг кўзини билган деҳқон», деб таърифлашади. У бошчилик қилаётган бригада эрта кўкламда «ундоқ қилодурмиз, бундоқ қилодирмиз» деб катта кетмайди. Дабдабали ваъда бермайди-ю, аммо иши дабдабали бўлади. Ёз фасли тугаб, вақт кузга кирабошлаши билан бригадир далаларни уч-тўрт «кўзи пишган» деҳқонлар ва мутахассислар иштирокида айланиб, ҳосилни чамалаб кўради. Шу сабабли бўлса керак баъзилар баҳорда катта ваъда бериб қўйиб кузга келганда уни азайтириш томонига буришга ҳаракат қилиб қолса Боймирза Холмирзаев бригадасида шунинг акси бўлади. Яқинда совхозга борганимизда у билан қуйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтди:



Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, холос.
Д. Синицкий чизган расм.

— Ҳормасинлар...

— Саломат бўлинглар, келинглар...

— Ишлар қалай?

— Чакки эмас, катта хирмонни чамалаб турибмиз.

— Мўлжал қанақа?

— Баҳорда 40 деган эдик, азматлар белни маҳкам боғлаб ишлашди, ҳисоблаб чиқдик, эллиқдан ортиқ бўлса бўлади-ки, кам топширмаймиз.

Тер тўкиб меҳнат қилишни ўрнига қўядиган, қуруқ гапга ҳаво бермайдиган, фикри-зикри олдинги қаторда юриш билан банд бўлган уддабурро деҳқон ҳосил тарозуга тушганча шу зайилда ишлайди. Ғўза тупларида кўсак маржондек тизилиб турган, олди кўсак ёрилиб дурдек кўзни қувонтираётган бўлса ҳам, бу бригада аъзолари коржомани ечишмабди. «Кўсак етилсин, ёнига яна битта-иккита кўсак қўшилсин!» деган мақсадда қатор оралаб юрибди бригаданинг чарчашни билмайдиган фидокор кишилари.

Баҳорда 40 центнердан деб мўлжалланган, ёз бўйи астойдил ишлаб кўсакларни семиритирган, бугунги кунда ҳам ишни бўшаштирмай ҳарна кўсак кўпайгани фойда деб қурашаётган, шу сабабли 40 ўрнига 50 центнерни чамалаб турган Боймирза Холмирзаев бошлиқ бригада аъзоларига «ҳосилингга барака, деҳқон ўртоқ» деб чин кўнгилдан яхши истак билдирамиз.

НЕГА ЕРГА ҚАРАЙСИЗ?

Дала айланиб Зулқарнай Усмонов бошқарувчи бўлган бўлимга бориб қолибмиз. Бу ерда ҳам юқоридаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтди:

—Ҳосилнинг чўғи тузукми?

— Эй нимасини айтасиз, шунча ҳаракат қилсак ҳам ишимиз кўзга кўринмаяпти...

— Нега ундай?

— Эрта кўкламда — яъни мўл ҳосил етиштирамиз, деган шартномага қўл қўйётганимизда ишимиз ёмон эмас эди. Нима қилайлик, қўлимиздан келганча уриндик, ҳозирги пайтга келиб, дала айлансак кўсаклар майда...

Зулқарнай Усмонов бўйнига олганча бор. У бошчилик қилаётган бўлимнинг катта-катта карталарида ҳосил кўнгилдагидек эмас. Ғўзасида кўсаги кам пайкаллар бўлгани етмаганидек, ўт босган карталар ҳам кўп. Шу тўғрида гаплашиб туриб бўлим бошлиғидан «қўшниларингиз даласига бориб турасизларми?» деб сўрадик.

— Бориб нима қиламиз, улар биздан ортиқмиди?..

— Лекин ҳосиллари сизларникидан яхши!

Бўлим бошлиғи бир дам жим қолди. Балки у «бўлар иш бўлди, энди ҳаракат қилганимиз билан ишни ўнглаб бўлмайди», деб ўйлаётгандир. Бунинг ўрнига ғўза ёнларидан кўкариб чиқиб юмшоқ ерда семираётган, ғўзанинг томирини қисиб емишга шерик бўлаётган, энг ёмони ҳосилнинг кўпайиши ва етилишига зарар келтираётган ўтларни юлиб ташлаш тўғрисида нега бош қотирмайди?! Бунинг ўрнига у ва бўлимнинг бош агрономи Нарзулла Умиров, агроном Тошим Қаршиевлар қўшнилари 3,6-бўлимлардаги яхши ғўзаларни кўрганда «бизнинг улардан ўрганадиган жойимиз йўқ», деб ёмон аҳволни тузатиш ўрнига чуқурлаштирмоқдалар.

Зулқарнай Усмонов ҳа деб «ундоқ қилодирмиз, бундоқ қилодирмиз» деб гап бермай турган эди, совхоз бош агрономи М. Н. Бухтин:

—Ган билан қанор тўлдиролмайсиз, далангиздаги ўтни юлинг,— деди.

Бу танбиҳ бўлим бошқарувчисига ёқмади, унинг пешонаси тиришиб, гап билан ҳужумга ўтмоқчи эди, бош агроном унинг ховирини босиб қўйди.

— Қайси куни текшириш якунини айтиб бердик-ку. Ахир 840 гектардан 350 гектар ердаги ғўза ўт ичида қолган. Дўстмурод Собуров бригадасидаги 60 гектар ер пахтазорми, ғумайзорми, билиб бўлмайди. Яна катта кетасиз, биз улардан ўрганаймиз, деб ўзингизни ҳам, бизни ҳам охирида ерга қаратасиз.

Бу гаплар З. Усмоновнинг уёқ-буёғидан ўтиб кетди, бир нима деб жавоб қайтармади. У ҳозирданоқ ерга қарашга мажбур бўлди.

Унутманг ўртоқ З. Усмонов, ҳали ҳам вақт бор, кеч кузда ер чизиб қолмаслиқ учун шу кунларда яна бир ғайрат қилинглар, олдинга силжишларингиз турган гап!

БИР ГАП БУЛАР, ДЕЙИШАДИ

Совхоз директори ўртоқ Қундуз Рашидов 4800 гектар ердаги пахтани машинада теришга, деб эрта баҳорда шартномага қўл қўйганлигидан ҳозир ҳам тоқатсизланиб ўтирибди. У билан шу тўғрида гаплашсангиз «сўзимиз — сўз, айтганимизни қиламиз», дейди. Бу жуда яхши. Хўш, ўртоқ Қундуз Рашидов шунча ердаги пахтани машинада териш гап билан, ваъда бериш билан ўз-ўзидан бўлиб кетавермаслигини билмасмикан?! Билганда эди, 6300 тонна пахтани машинада териш учун нималар қилиш тўғрисида бош қотириб кўрарди. Нима, совхоздаги 104 та терим машинасидан атиги 48 таси тайёрлангани, қолган 56 та машина ҳар қаерларда қаровсиз ётганлиги ўртоқ Қ. Рашидовга маълум эмасми?!

Совхоз директоридан ҳали машиналарнинг кўпи тайёр эмаску, бу ёғи қанақа бўлади, деб сўрасангиз у хотиржам ҳолда:

— Биз иш кўрсатиб келганлардан, ҳали машина билан пахта теришга анча вақт бор, унгача бир гап бўлар, деб қўяқолади.

Бир гап бўлиши аниқ. Машинага ажратилган далалар бегона ўтдан тезроқ тозаланмаса, пайкаллар ўватида булутдан бери ранг босиб, қаровсиз ётган пахта териш машиналари тезроқ устахоналарга келтириб ремонти кучайтириб юборилмаса 1-«Боёвут» совхози раҳбарлари тўғрисида ёмон гап бўлади. Мана шуни унутмаслик керак!

А. ПУЛАТ,
С. МАҲКАМОВ,
О. ҚУЧҚОРБЕКОВ,
С. АМИНОВ.

СЎҚОҚДА ЯНГИ МАКТАБ



Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз ёрдами билан Сўқоқ қишлоғида янги ўрта мактаб биноси барпо этилди. Бу мактабда 500 ўқувчи таълим олади. Бу йил райондаги ҳамма мактабларда машғулотлар бир сменада олиб борилади. Суратда: янги қурилган мактаб биноси.
Р. Шамсуддинов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯПОНИЯ ТАСЛИМ БЎЛГАНЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ НИМАНИ ЭСЛАТАДИ

Япония империалист ҳукмрон доираларининг иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраб сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги актга қўл қўйган кундан бери 15 йил ўтди. Бу воқеа гитлерчилар Германияси таслим бўлганидан кўп ўтмай, 1945 йил 2 сентябрда содир бўлган эди.

Япония таслим бўлганидан кейин ўтган 15 йил мобайнида Узоқ Шарқ ва Шарқий-Жанубий Осиё мамлакатлари япон агрессорлари томонидан етказилган кўпгина жароҳатларни даволадилар. Аммо босқинчилик интилишларини Америка Қўшма Штатлари ва Англия қўллаб-қувватлаб турган Япония ҳарбийларининг талончилиги ва зўравонлиги, улар қилган беҳисоб азоб-уқубатининг мудҳиш манзаралари ҳали ҳам халқлар хотирасидан ўчгани йўқ.

Ҳар икки давлатнинг ҳукмрон доиралари япон империалистларини Совет Иттифоқига қарши агрессияга йўллаб, 1931 йилдаёқ Манчжурияни Япония томонидан босиб олинишига хайрихоҳлик билдирган эдилар. Шундан сўнг улар бир қанча йиллар давомида Японияни Совет Иттифоқи ва Мўғулистон Халқ Республикасига қарши тўғридан-тўғри агрессиясини тайёрлашга ҳар томонлама уриниб келдилар. 1938 йилда фашистлар Германияси билан «Антикоминтерн пакти» тузилганидан сўнг Япония Хасан кўли ёнида Совет территориясига хужум қилди. Орадан бир йил ўтгандан сўнг эса Япония қўшинлари Халхин-Гол дарёси районидаги Мўғулистон Халқ Республикасининг территориясига бостириб кирдилар.

Америка ва Англия сиёсатининг ижодчилари Япония ҳарбийларининг бундай ҳамлалари япон-совет урушининг бошланишига сабаб бўлади деб ўйлаган эдилар. Бироқ икки марта қақшатгич зарбага учраган Япония 1941 йил апрель ойида ҳужум қилишмаслик тўғрисида япон-совет шартномасини тузишга мажбур бўлди. Япония агрессорларининг Лондон ва Вашингтондаги хомийларини эса, пировардида қаттиқ янглишдилар: 1941 йилда Япония СССРга қарши эмас, балки Америка Қўшма Штатларига қарши уруш бошлади ва Англияга жуда сезиларли зарбалар берди.

Тинч океанда урушни бошлаган Япония бир неча ойда Филиппин, Гонконг, Ҳинди-Хитой, Малайя, Индонезия, Борнео ва Бирмани босиб олиб, Ҳиндистон чегарасига чиқиб олди. Бизнинг мамлакатимиз тинчликни тезроқ тиклаш истагига амал қилиб, Германия таслим бўлгач, Япония империалистларига бир қанча тез ва қақшатгич зарбалар берди. Бизнинг қўшинларимиз Квантун армиясини тор-мор келтириб, душманни Шарқи-Шимолий Хитойдан, Шимолий Кореядан, Жанубий Сахалиндан ва Курил оролларидан суриб чиқарди. Япония бу жангларда 594 минг солдат ва офицердан маҳрум бўлиб, урушни тўхтатди.

Гитлерчилар Германиясидан сўнг самурайлар Япониясининг кучини синдирган Совет Иттифоқи инсониятни фашизм вабосидан халос қилувчи сифатида шон-шуҳрат қозонди. Мамлакатимиз галабасининг акс садоси ҳамма ерда эшитилди, Осиёдаги кўп мамлакатларда миллий озодлик ҳаракатининг тантанасига олиб келди. Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикаси вужудга келди.

Япон халқи буларнинг ҳаммасидан ўзига тегишли кўпгина сабоқларни олди. Империалист ҳукмрон доиралар ва уларнинг сиёсатига қарши курашни кучайтириш зарурлиги биринчи сабоқ бўлди. Аммо япон ҳукмрон доиралари афтидан ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқариб олмаган бўлсалар керак. Улар 1941 йилда Тинч океанда уруш бошлашга олиб келган фалокатли ҳарбий сиёсий авантюралар йўлига ўз мамлакатларини яна бошламоқдалар. Фарқ фақат шундаки, «Берлин-Токио» иттифоқи «Вашингтон-Токио» иттифоқи билан алмаштирилган.

Японияниинг урушдан кейинги тараққиётининг бутун 15 йиллиги Токиодаги реакцион ҳукмрон доираларининг Америка империализми билан ҳамкорлик қилиши билан характерланади. Окинава ва Огасавара каби япон оролларини оккупация қилган ва мамлакатдан ажратиб олган АҚШнинг агрессив доиралари Японияни Узоқ Шарқда ўз жандармаларига ва янги урушнинг плацдармига айлантириш учун зўр бериб уринмоқдалар. Америка капиталининг Япония экономикасида актив қатнашиши ҳам, Японияниинг Америка ҳарбийлари билан тўлдириб юборилганлиги ҳам, Япония территориясида жуда кўп америка ҳарбий базаларининг тўпланганлиги ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бу ерда шуни айтиш керакки, Америка ҳарбий базалари эгалланган майдон Осиёда энг катта ҳисобланган шаҳарлардан бири — Япония пойтахти майдонидан 9 баравар ортиқдир.

Лекин Японияни АҚШнинг Узоқ Шарқдаги агрессив сиёсати қуролига айлантиришда асосий восита Америка-Япония «хавфсизлик шартномасидир». Японияниинг янги агрессия планларини тузаётган ҳукмрон доиралари бу шартномага қўл қўйиб, ўз мамлакатлари суверенитетини қурбон қилдилар, Американинг таҳқирли оккупацияси муддатини узайтирдилар, Қўшма Штатларнинг Осиёдаги жандарми ролини бажаришга тайёр эканликларини билдирдилар. Шу билан бирга улар Японияни демилитаризация қилиш тўғрисида урушдан кейинги шартнома ва мажбуриятларнинг ҳаммасини бу шартнома тузилгандан кейин қадрсиз бир қоғозга айланишига эришдилар, ички юқоридаги шартнома Японияга ўз ҳарбий потенциалини бутун чоралар билан ошириш ва қуролли кучларини кўпайтириш, уларни ракета-ядро қуроли билан таъминлаш имконини беради.

Япония ҳукмрон доиралари ва уларнинг АҚШдаги хомийларининг план ва ҳаракатлари халқнинг ҳақ-ғазабини қўзғатди. Япония Америка ва Япония милитаристларининг ҳарбий тил бириктиришларга қарши оммавий ва актив ҳаракатлари майдонига айланди. 1946 йилдан 1958 йилгача бутун Японияда авж олган иш ташлашларда жами 46 миллиондан ортиқ меҳнаткаш қатнашди. Бу миқдор урушдан илгариги худди шундай муддатдагига нисбатан қарийб 30 баравар кўпдир. Кўпгина иш ташлашлар сиёсий характерга эга бўлиб, Япония ҳукмрон доираларининг сиёсатига қарши қаратилди. Япония меҳнаткашларининг сиёсий чиқишлари шу йилнинг баҳор ва ёз ойларида айниқса кенг қулоч ёйди. Улар ўз мамлакатларига Америка президенти Эйзенхауэрнинг келишига йўл қўймадилар ва Киси ҳукуматини истефо беришга мажбур қилдилар.

Шу нарсани таъкидлаш зарурки, Японияда авж олаётган курашда жамоатчиликнинг турли табақалари, шу жумладан миллий буржуазия манфаатларини ифода этувчи кўзга кўринган сиёсий арбоблар ҳам қатнашмоқда. Япон халқининг асосий кўпчилиги агрессив Америка-Япония пактини бекор қилиш ва Совет Иттифоқи ҳамда халқ Хитойи билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишни талаб қилиб, «АҚШ билан тузилган янги ҳарбий шартнома — бу урушга тайёргарлик шартномасидир» демоқда. Япониянинг Англиядаги собиқ элчиси Харухико Няси «Антикоминтерн пакти»нинг шармандали тақдирини эслатиб, ҳукуматни социалистик мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашга чақиради. «Иккинчи жаҳон уруши сабоқларини эсдан чиқармаслик керак» — дейди у. Ҳукмрон либерал партия раҳбарларидан бири — Япониянинг собиқ бош министри Исибаси АҚШга таяниб иш кўришни кескин қораламоқда. Япониянинг ҳозирги ташқи сиёсати, — деб таъкидлайди у, «мамлакатни АҚШнинг штатларидан бири аҳволига солиб қўядики, бунда мустақиллик тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас».

Япон халқи иккинчи жаҳон уруши ва биринчи атом бомбардировкасининг даҳшатларини ўз бошидан кечирган. У атом трагедиясининг яна қайтарилишини хоҳламайди. Япон халқининг манфаатлари мамлакатни реваншизм ва зўр бериб қуролланишдек хатарли йўлга судраётганларнинг манфаатлари бир-бирига тамомила хилофдир. «Бундай шароитда, — деб таъкидлади Н. С. Хрушчев япон жамоатчилиги, агентликлари ва газеталари вакилларининг хатига ёзган жавобида, — урушнинг олдини олиш учун халқлар ўртасида дўстлик учун, Япониянинг бетарафлик ва ҳарбий блокларда қатнашмаслик сиёсатини ўтказиш учун биргаликда кураш олиб бориш ҳаракатининг Японияда кенг авж олганлиги катта ижобий аҳамиятга эга».

Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлигининг 15 йиллиги Бонн генералларининг сурбетларча қилган талаблари муносабати билан бутун мамлакатлар ва халқлар ташвишга тушган бир пайтга тўғри келди. Бонн генераллари АҚШнинг хомийлигида Гарбий Германияни янги уруш ўчоғига айлантирмоқдалар. Америка ҳукмрон доираларининг Японияга нисбатан тутаётган сиёсати ҳам худди шундай мақсадга хизмат қилади. Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқаришга сабабчи бўлган икки ҳарбий ўчоқ бизнинг кўз ўнгимизда янгидан вужудга келмоқда. Бу ҳол барча мамлакатлардаги тинчликсевар жамоатчиликни янада сергак бўлишга чақиради, улардан ўз хушёрликларини тинмай оширишни талаб этади. Халқлар тарих сабоғини эсдан чиқарганлари йўқ ва улар Америка империалистларининг қўллаб-қувватлаши туфайли бош кўтараётган япон ва герман милитаристларининг инсониятни яна янги ҳарбий фалокатга дучор қилмасликлари учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

К. РОМАНОВСКИЙ,
И. ХРАМОВ.

Телевизор экранида

2 СЕНТЯБРДА

19.30. Ёшлар учун ўзбек тилида «Адабий топишмоқ» деган эшиттириш.
19.50. Киножурнал.
20.00. Сўнгги ахборот.
20.20. Халқаро масалалар юзасидан рус тилида эшиттириш.
20.35. «Дўстларимиз совғаси» циклидан концерт.
20.55. «Сатира ва юмор». Ўзбек тилида адабий эшиттириш.
21.15. «Бизнинг Озарбайжон» — ҳужжатли фильм.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ СОВҒАЛАРИ ҲИНД БОЛАСИГА ТОПШИРИЛДИ

ДЕҲЛИ, 31 август. (ТАСС). «Шанкарс уикли» суратли журнал редакцияси Деҳлида болалар ишлаган суратларнинг XI халқаро виставкасини ташкил этганлиги ва бу виставкада Бомбайда яшовчи 13 яшар ҳинд ўқувчиси Прафула Амишанда Жхаверн биринчи ўринни ва Ҳиндистон президентининг олтин медалини олганлиги тўғрисида хабар берилган эди. У чизган «Ҳурматли меҳмонни кутиб олиш» сурати СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга тарихий дўстлик визити билан борган вақтида ҳинд халқининг уни самимий кутиб олганлигини ёрқин ва ранг-баранг қилиб тасвирлайди. Бу сурат виставкага келувчиларнинг диққат марказида турди.

Бомбайлик ёш рассом ана шу сурат устида қарийб 2,5 ой ишлади ва ҳар куни бу ишга 4—5 соат вақт сарф қилди. Жхаверн чизган сурат виставка жюрисининг (виставка жюриси составида Ҳиндистоннинг жамоат арбоблари ва дипломатия корпусининг вакиллари бор эди) юксак баҳосига сазовор бўлибгина қолмай, балки СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳам бундан хабардор бўлди. Н. С. Хрушчев миниатюрчилик билдириш юзасидан ёш рассомга давлат Третьяков галереяси суратларининг рангли репродукциялари альбомини ва совет ер сунъий йўлдошининг музикали моделини юборди.

Совет Иттифоқининг Ҳиндистондаги элчиси И. А. Бенедиктов йўл-йўлакай Бомбайда бўлган вақтида Н. С. Хрушчев номидан ва унинг топшириғига биноан болалар чизган расмлар XI халқаро виставкасининг ғолиби Прафула Амишанда Жхаверига СССР Министрлар Совети Раисининг совғаларини топширди. Жхаверн ўқиётган мактабда совғаларни топшириш маросимида ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон-Совет жамиятининг аъзолари, шаҳар граждданлари, матбуот вакиллари ҳозир бўлдилар. Мактаб директори шу ерда ҳозир бўлган кишилар олдида нутқ сўзлаб, Н. С. Хрушчевнинг умумий тинчликни сақлаш соҳасидаги буюк ролини таъкидлади ва қилган эътибори учун унга ташаккур топширишни ва ўз фаолиятида муваффақият қозонишни истаб изҳор қилган тилакларини унга топширишни илтимос қилди.

Совет элчиси И. А. Бенедиктов ҳам қисқача нутқ сўзлади.

Митингнинг охирида Прафула Амишанда Жхаверн ўз номидан ва ўз мактабининг ўқувчилари номидан гапириб, Н. С. Хрушчевга самимий ташаккур топширишни ва унинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятида муваффақият қозонишни тилаб айтилган энг яхши истакларини топширишни сўради.

Ана шу унутилмас учрашув «Ҳинди-руси бхай-бхай» деган традицион шиорни айтиш билан тамом бўлди.

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН МЕҲМОН

Н. С. Хрушчевнинг Финляндияга қиладиган сафари тўғрисида Финляндия матбуотининг ёзганлари

ХЕЛЬСИНКИ, 30 август. (ТАСС). Президент У. К. Кекконеннинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Финляндияга сафар қилиб келиши тўғрисидаги хабар Финляндия матбуотида жуда кўп ички проблемаларни орқага суриб қўйиб, асосий тема бўлиб қолди. Хельсинкидаги ва бошқа шаҳарлардаги газеталар Н. С. Хрушчевнинг портретларини босиб чиқармоқда ва бу сафарнинг мўлжалланган программаси тўғрисида, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг Финляндияга илгари қилган сафари ва президент У. К. Кекконен билан бўлган учрашувлари тўғрисида муфассал хабарларни эълон қилмоқда.

«Хельсингин саномат» газетаси, меҳмон юксак мартабадаги киши бўлганлиги сабабли «унинг сафарини давлат сафари тарзидаги ҳисобламоқ керак» деб ёзади. Бир қанча газеталар, Н. С. Хрушчевнинг Финляндияга келиши президент У. К. Кекконеннинг 60 йиллик байрамини Финляндияга хос воқеадан жаҳон аҳамиятига эга бўлган воқеага айлантиради, деб кўрсатмоқда. Бу сафар тўғрисидаги хабар, деб ёзади «Маканса» газетаси, «Финляндиядан бошқа мамлакатларда ҳам катта қизиқиш туғдириб юборди... Бунинг сабаби ҳам маълум. Бу сафарга ҳозирги халқаро сиёсий вазият кўзи билан қарамоқ керак.. Жаҳон ўзига хос кескин ҳолатда яшамоқда... Ҳозирги вақтда жаҳоннинг энг улкан давлат арбоби бўлган Совет Иттифоқи бош министри Финляндияга келишга отланганлиги тўғрисидаги хабар шундай шароитда эълон қилинган экан, бунда гап жаҳон матбуоти эътибор берадиган янгилик тўғрисида бориши мумкин, албатта».

Н. С. Хрушчевнинг Финляндияга қиладиган бу галги сафари, деб ёзади «Суомен сосиалидемократти» газетаси,— «ўзининг оқибати жиҳатидан катта ёки кичик халқаро сиёсий аҳамиятга эга бўлдими, ёки йўқми, бундан қатъий назар, бу сафар бутун дунёни қизиқтиради». Финляндияда бу сафар Финляндиянинг «Совет Иттифоқига дўстона ва ишонч билан қараётган ва буюк давлатларнинг зиддиятларидан ташқарида қолаётган мамлакат» сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди, деб умид қилмоқдалар.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХАНОЙГА КЕЛДИ

ХАНОЙ, 31 август. (ТАСС). Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Мухитдинов бошчилигидаги КПСС делегацияси Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг III съездида қатнашиш учун бугун бу ерга келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Товмасян, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари К. Н. Гришинлар бор.

Делегация Вьетнам Демократик Республикаси эълон қилинган кунинг 15 йиллиги байрамида ҳам қатнашади.

Аэродромда делегацияни Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ҳамда Вьетнам ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Кутиб олиш пайтида фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Совет Иттифоқи ва Вьетнам Демократик Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

Хитой Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси ҳам бугун Ханойга келди.

Г. Георгиу-Деж БМТ Бош Ассамблеясининг галдаги сессиясида қатнашувчи Руминия делегациясининг бошлиғи

БУХАРЕСТ, 31 август. (ТАСС). Руминия матбуот агентлиги хабар беради: Буюк миллат мажлиси Президиумининг раиси Ион Георге Маурер бугун Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлисининг навбатдан ташқари ўтказилган сессиясида сўзга чиқиб, румин халқининг орзуларини ва унинг тинчликка бўлган ҳоҳишини энг юксак даражада ифода этувчи кишини Георге Георгиу-Дежни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг галдаги сессиясида қатнашувчи румин делегациясининг бошлиғи қилиб тайинлашни Руминия Халқ Республикаси ҳукумати ва Буюк миллат мажлиси президиуми номидан таклиф этди.

Руминия Халқ Республикасининг Буюк миллат мажлиси И. Г. Маурернинг таклифини бир оғиздан қабул қилди.

ЕР ЮЗИДАГИ АҲОЛИ

ЖЕНЕВА, 30 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти демографик солномасининг Швейцария газеталарида эълон қилинган маълумотларига кўра, ер юзидаги аҳоли ҳозирги вақтда 2,9 миллиард кишига етган. Аҳолининг йиллик ўсиши 48 миллион киши. Туғилишнинг энг юқори даражаси Африка қитъаси мамлакатларида бўлганлиги таъкидланади.

Аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Хитой биринчи ўринда туради — ундаги аҳоли 669 миллион киши. Шундан кейинги ўринларда қуйидаги мамлакатлар туради: Ҳиндистон — 403 миллион, СССР — 209 миллион (Н. С. Хрушчев Бутун Россия ўқитувчилар съездида сўзлаган нутқида дастлабки маълумотларга кўра, 1960 йилнинг 1 июлида СССР аҳолиси 214 миллион 400 минг киши деган эди) ва АҚШ — 170 миллион киши.

АҚШ давлат секретари К. Гертернинг сўзлаган нутқи тўғрисида

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг баёноти

АҚШ давлат департаменти бошлиги К. Гертернинг Америка давлатлари ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари кенгашида 25 августда сўзлаган нутқи муносабати билан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико баёнот берди.

Аввало, шуни қайд қилмоқ зарурки, дейилади А. А. Громиконинг баёнотида «китъадан ташқари давлат» деган ном остида Совет Иттифоқини назарда тутиб, шундай «давлатнинг» Кубага ва умуман Латин Америкасига «суқулиб кириши» ҳақида АҚШнинг ўзи кўтариб чиққан масалани муҳокама қилиш чоғида жаноб Гертер нутқ сўзлади. АҚШ давлат секретари ўзининг мазкур нутқида Кубанинг революцион ҳукуматига туҳматлар қилиб, бу туҳматларни Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига нисбатан қилинган уйдирмалар билан жуда қалаштириб юборди. Аниқ далиллар ва ҳатто заррача исботлар бўлмаганлиги сабабли буларнинг ўрнини давлат секретари ҳақорат даражасига бориб етган «қаттиқ» иборалар билан тўлдиришга уринди. АҚШ давлат секретарининг гапига қараганда, Совет Иттифоқи Кубанинг қанд-шакарини харид қилиб олаётганлиги ва Кубага нефть етказиб бераётганлиги Кубанинг ички ишларига аралашиш эмиш, аммо Қўшма Штатларнинг Кубага иқтисодий блокада ташкил этганлиги эса, Куба халқи тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик эмиш.

Жаноб Гертернинг нутқидан маълум бўлишича, Латин Америкаси мамлакатларидан бири — Куба — АҚШ асоратидан қутулганлиги ва эндиликда Куба халқи Вашингтон кўрсатган йўлдан бормай, ўзи белгилаётган йўлдан бораётганлиги АҚШ ҳукмрон доираларининг жонини чиқармоқда.

АҚШ ҳукумати Кубанинг ички ишларига қўпол равишда аралашаётганлиги тўғрисида бутун дунёга маълум бўлган фактларга қўшимча керак бўлса, Америка давлатлари кенгашида АҚШ давлат секретари сўзлаган нутқининг ўзи мана шундай далилдир.

Куба халқининг адолатли иши бутун дунёда, шу жумладан, Латин Америкаси мамлакатларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Америкадаги муайян доираларнинг империалистик интилишларини ҳамда кичик мамлакатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурматламасликни ўзида ифодаланган резолюция Америка давлатлари ташкилотининг кенгашида қабул қилингандики, бу резолюция АҚШ томонидан қўпол равишда ва ошкора ўтказилган тазиқнинг натижаси эканлиги ҳаммага аёндир. Бироқ, бу кенгашнинг бутун бориши шуни кўрсатиб турибдики, гарчи Латин Америкаси мамлакатлари АҚШнинг асоратидан батамом қутулмоқ учун яна бирталай йўл босишлари лозим бўлсада, Қўшма Штатларга эндиликда қарам бўлмай қолаётган бу мамлакатларга АҚШ ҳукумати ўз айтганини қилдира олмай, тобора кўпроқ қийналмоқда.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари Латин Америкаси мамлакатларини жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан яккалаб қўймоқ ва шу мамлакатлардан биронтаси Вашингтон буйруғига қулоқ солмай, чинакам мустақил ривожланиш йўлига тушганида, шу мамлакатларнинг ҳар бирини яккама-якка мажақламоқ учун очиқдан-очиқ интилмоқдалар.

Гертернинг фикрича, Латин Америкасидаги давлатларга қўпол равишда зулм қилинаётганлиги ва Ғарбий ярим шардаги айрим давлатларнинг бошқа давлатларга қарши агрессив ҳаракатлар қилишлари Америка қитъасидан четда бўлган давлатларга асло дахли йўқ иш бўлиши лозим эмиш. Модомики, АҚШ, бошқа қитъаларда бўлган давлатлар Латин Америкасидаги аҳволга қизиқмаслиги лозим, деб айтаётган экан, АҚШ давлат секретари шу мантиқнинг ўзига амал қилиб, Америка Қўшма Штатлари Европадаги ишларга заррача дахли бўлмасин ва Европа ишларига қизиқмасин деган хулосага келиши лозим эди.

Совет Иттифоқи Латин Америкаси мамлакатларининг, шу жумладан Кубанинг ҳам ишларига фалон тарзда аралашаётир деб айтишга ҳақи йўқ, кимки шундай деса, унинг гапи фактларга зид бўлиб тушади. Совет Иттифоқи у ёки бу мамлакатни ҳимоя қилиб гапирганида фақат бир нарсага интилади, у ҳам бўлса шу мамлакат Совет Иттифоқига яқин ёки узоқ туришидан қатъий назар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига сўзда эмас, балки амалда риоя қилинсин, деб талаб қилади.

Маълумки, Совет Иттифоқи ҳеч қандай сиёсий ёки бошқа шартлар қўймасдан Кубага иқтисодий ёрдам бераётир. Америкаликларнинг расмий шахслари бу иқтисодий ёрдамни Кубанинг ички ишларига аралашиш деб айтмоқдалар. Лекин бундай даъволар ўз моҳияти эътибори билан бемаъни эканлиги тўғрисида гапиргандек ҳам, биз бундай савол беришга ҳақлимиз: бу — аралашишми, ёки аралашиш эмасми деган масалани бошқалар учун ҳал қилишга уларга ким ҳуқуқ берди? Бу масалани ёрдам сўраб мурожаат қилган давлатнинг ҳукумати ва халқигина ҳал қилиши мумкин.

Фактларга асосланиб гапириладиган бўлса, шу нарса ҳаммага аён бўлиши лозимки, Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқли ва дўстона ҳамкорлик асосига қурилмоқда. Куба халқи ўз мамлакатининг мустақиллигини ва революциянинг галабаларини қаттиқ ҳимоя қилиб мардона кураш олиб бормоқдаки, бунга совет халқи қойил бўлмоқда.

Ўз-ўзидан маълумки, Совет-Куба муносабатлари хусусидаги ҳар қандай уйдирмалар бу муносабатларнинг дўстона характердаги муносабатлар эканлигини ўзгартира олмайди. Ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида бу муносабатлар бундан буён ҳам ривожлантирилади ва мустаҳкамлана беради. (ТАСС).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Комсомол кўлидаги ёзги бино)— 2/IX да **Олтин кўл**, 3/IX да **Фарғона ҳикояси**. Кеч соат 9 да бошланади.

Биринчи синов (1-серия) — қишки «ВАТАН», «СПУТНИК», «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ёзги «ВАТАН» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 8-50 минут, ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 да).

Йўлбарсдек довюрак — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «УДАРНИК» (кеч соат 9 ва 10-40 минутда).

Оқ қон — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 яримда).

Маҳаллада дув-дув гап — қишки НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва 5 да).

Янги Деҳли (1 ва 2-серия) — қишки НАВОИЙ номли (кундуз соат 2, кеч 6-40 минут ва 9 яримда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8-20 минутда).

Антон Иванович аччиғланади — ПУШКИН номли (кеч 10-40 минутда).

Бечора, севимли онам — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 8 ва 10 да).

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

1960—61 йил мавсуми

ОЧИЛАДИ

3/IX да — **Дилором**. 4 парда, 7 кўринишли опера.

4/IX да — кундуз **Этик кийган мушук**. 4 парда, 7 кўринишли ҳажвий опера.

4/IX да — кечқурун: **Шаҳризода**. 1 парда, 4 кўринишли балет.

Штраусиана. 1 пардали балет.

Болеро. 1 пардали балет.

Кундузги спектакллар соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

3, 4 сентябрда

2 бўлимдан иборат

катта концерт

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Тамара Назарова, Абдуғафур Абдурахмонов**, VI Жаҳон фестивали лауреатлари **Ҳасан Султонов, Мунаввар Давлатова**, солистлардан **Адиба Мирзаева, Назирахон Раҳимова, Ҳадияхон Юсупова, Суръат Пўлатов, Сорахон Шукурова, Шерали Пўлатов, Райҳон Тўраева** ва **Мукаррам Қаххорова** ва бошқалар қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 3 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИГА

Ўзбек тили грамматикасини яхши билган, малакали

машинистка керак

Иш соатларида редакция секретариатига мурожаат қилинсин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 08177.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. А. 1869.